

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№92 — 93

(2512 — 2513)

1992 йил

7 ОКТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ



ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

22 сентябрь куни Бухоро шаҳрида ички ишлар идоралари ишида компьютер техникасини қўллаш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ, вилоятларнинг ички ишлар бошқармалари раҳбарлари, экспертиза-криминалистика хизматлари ва

ахборот марказлари, жиноят-қидирув ва тергов ходимлари иштирок этдилар.

Нима учун уни айнан Бухорода ўтказишга қарор қилинди? Бу бежиз эмас, албатта. 1990 йилдан бошлаб ички ишлар бошқармаси вилоят ички ишлар идоралари оператив бўлинмалари фаолиятига ҳисоблаш техникасини кенг жорий қила

бошлади. Кейинчалик Когон, Қоракўл, Ғиждувон ва Бухоро шаҳридаги Ф. Хўжаев район ички ишлар бўлимларида ҳам электрон-ҳисоблаш машиналари ўрнатилди, ИИБнинг ахборот марказида ҳисоблаш маркази ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Суратда: Ўзбекистон Республикаси ИИВ ахборот маркази бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Р. Йўлдошев семинар-кенгаш қатнашчилари билан амалий машғулот ўтказмоқда.

Сурат муаллифники.

Конституция лойиҳаси — муҳокамада

МЕНИНГ ТАКЛИФЛАРИМ

Ниҳоят интиқлик билан кутилатган вақт ҳам келди. Газеталар саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси чоп этилди ва биз қизиқиш билан танишиб чиқдик.

Тўғри, ҳозирча у лойиҳа, аммо шуни қувончилик, у ўзимизники. Шу кунгача мустақил қонуниimiz йўқ, эскисининг у ёғи ундоқ, бу ёғи бундоқ деявериб чарчадик. Ҳозир эса жуда масъулиятли паллада турибмиз. Шунга ҳаракат қилишимиз керакки, асосий қонун йиллар ўтиб бояғи ҳолга тушиб қолмасин, тараққиётимиз жараёнига доим мос келсин, халқимизнинг яшаш тарзину урф-одатига,

юртимизнинг, ўзига хос хусусиятларига ҳамоҳанг бўлсин. Бу эса унинг муҳокамасида ҳар биримизнинг фаол қатнашишимизни, чуқур мулоҳаза юритиш асосида тутилган лўнда ҳулосаларимизни ифода этишимизни тақозо қилади.

Бу борада менинг таклифларим қуйидагича: лойиҳанинг 41-моддаси матнидан кейин “Ўзбекистон давлати фуқароларининг шахсий мулклари давлат ҳимоясида бўлиб, давлат уларнинг сақланишида тўла жавобгарликни зиммасига олиши керак” деган жумлани қўшиш лозим.

89-моддада баён қилинган фикрларни эса бир оз бошқачароқ ифодалаш керак. Яъни “Республика

Президентлигига сайланувчи номзод Ўзбекистонда тутилган ва ўзбек бўлиши шарт”, деб. Бу ўринда “бир неча тилларни биладиган” ибораси қўшилса, янада мукамалроқ бўларди.

119-модданинг иккинчи сўзбошида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга жамоат ва фуқароларнинг ердан кўрсатишлари мумкинлиги езилган. Бу масъулиятни бир оз сусайтиради. Бинобарин, мазкур идоралар фуқаролар ердамига, айниқса улар берадиган маълумот ҳамда кўрсатмаларга муҳтожлигини ҳисобга олиб, “мумкин” сўзини “шарт ва зарур” деган сўзлар билан алмаштириш ниҳоятда муҳимдир.

М. ИБРОҲИМОВА,
милиция катта лейтенанти.

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

ШАХСИ АНИҚЛАНДИ

Газетамизнинг 30 сентябрь кунги сониди Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур районидаги Оқтепа каналдан боши ва оёқ-қўли боғланиб, бир неча булакка бўлиб ташланган мурда топилиши ҳақида хабар берилганди. Оператив-тергов гуруҳининг асосий мақсади — жасаднинг шахсини аниқлаш ҳамда қотилни топишдан иборат эди. Ниҳоят марҳум Чилонзор даҳасида яшаб келган, ҳеч қасрда ишламайдиган, муқаддам судланган С. Б. бўлиб чиқди.

Қотилликда унинг хотини И. Б. ва ҳеч қасрда ишламайдиган, 1962 йилда туғилган Н. Ш. гумоланиб ўшланди. Тергов бошланди.

ЙЎЛОВЧИМИ, ҚАРОҚЧИМИ?

Қашқадарё вилоятининг Яқкабғой районида ДАН ходимлари “ВАЗ-2103” белгили В 27-81 ЧР рақамли машинани тўхтатиб, кўздан кечиришди.

Натижада Чоржўй вилоятидаги 7-автокорхона ҳайдовчиси О. Абдуллаев бошқарувидаги машинадан 5 грамм наша, унинг йўлдоши В. П. ёнидан Германияда ишлаб чиқарилган РВ-18000 рақамли тўппонча ва тўрт дона ўқ топилиди.

ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

Самарқанд темир йўл станциясида “Самарқанд-Москва” поездининг 3-вагонига кетаётган Хатирчи районидаги Янгиробот қишлоғилик Б. Ж. ва Санкт-Петербург шаҳрлик П. М.нинг ёнларидан бир килою 250 грамм нашага ўхшаш модда чиқди.

Уларнинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

ЯНА ПАЛИДЛИК

Ҳайвоний ҳирс тўлғоғида титраётган палидлар бу сафар Навоий шаҳрининг Ленинград кўчасида яшовчи С.У.нинг ва шу ерда меҳмон бўлиб турган 11-синф ўқувчиси Н.С.нинг номусига тегишган.

Улар қидирилмоқда.

ҚАРОҚЧИЛАР ТУШОВДА

Фарғона вилоятининг Охунбобоев районида пайдо бўлган тўрт қаллоб (уларнинг бири аёл) Фарғона шаҳрлик нафақахўр М. Б.ни қўрқитиб, “ВАЗ-2103” белгили И 52-10 ФЕ рақамли машинасини олиб қочишган эди.

Милиция ходимлари уларни аниқлаб, ҳибсга олишди.

Насиб этса, тергов ҳаракатлари яқунлангач, улар билан газетхонларни яқиндан таништириш ниятидамиз.

НАВБАТ ҲОЖАТХОНАГА!

Қароқчиларнинг кўча-кўйларда, фуқаролар хонадонларида, дўконларда зуравонлик қилганлари ҳақида кўп ёзганмиз.

Лекин бунақасини сира эшитмагансиз: Нукус дорилфунуни қоровули Р. У. ва шу билим даргоҳи ошпази С. Р. марказий бозордаги ҳожатхонага киришди. Мақсадлари ҳожат чиқариш бўлмаган асло.

Кассир А.Б.га куч ишлатиб, тан жароҳати етказишди ва 300 сўм пулини тортиб олишди.

Ҳожатхона зуравонлари ҳозир милиция идорасида.

Т. МУРОДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ЖАНГОҲЛАРДА ТОБЛАНГАНЛАР

Ички ишлар вазирлиги томонидан ўзбек милициясининг 75 йиллигига бағишланган алоҳида китоб тайёрланмоқда.

Куйида ана шу мажмуага киритилаётган материалларнинг айримлари билан танишасиз.

Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий билимгоҳининг собиқ кафедра мудир, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Ғ. Убайдуллаев уруш йиллари 72-гвардиячи дивизиянинг пулемётчилар взводида командирлик қилди. У Белгород, Харьков учун жангларда иштирок этди. Довюрраклиги, учун қатор ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармасида ишлаган В. Мўминов уруш йилларида юз миллиметрли ўзиюрар қурилмалар батареясида командирлик қилди.

В. Мўминов ҳарбий хизматдан қайтиб келганда унинг кўксини ўн битта жанговар орден ва медаллар беэаб турарди. Ўн иккинчиси — “Жамоат тартибини сақлаш бўйича аъло хизматлари учун” медалини милиция идораларида ишлаб юрган вақтида олди.

1942 йилдаги жанглардан бирида капитан Иван Тихонович Мельников оғир ярадор бўлди. Жангчи Бобохон Кашанов уни жанг майдонидан олиб чиқиб, медицина пунктига келтирди. Лекин шифокорлар жароҳати жуда оғир бўлган капитаннинг ҳаётини сақлаб қола олмадилар. Ҳаётининг сўнгги дақиқаларида Мельников кўзини очиб, Кашановга шундай деди:

— Дўстим, сенга қандай эсдалик қолдиришимни истайсан?

— Мельниковлар фамилияси доимо сафда бўлиши учун сизнинг фамилиянгизга ўтсам.

Иван Тихонович Мельников “Фамилиямни сенга васият қиламан”, — деди. Жангчи шу фамилия билан Берлинга етиб борди ва Рейхстаг деворида

Мельниковнинг фамилиясини езиб қолдирди.

Бобохон Мельников уруш тугагандан кейин милицияга ишга кирди, милиция капитани унвонини олди ва кўп йиллар давомида Фарғона вилоятининг Сўх районида участка вакили бўлиб ишлади. Беш фарзанд кўрди.

Шонли ғалабага муносиб ҳисса қўшган, урушдан кейин эса республика милиция идораларида узоқ вақт ишлаган аёллар кўпчилигини ташкил қилади.

Собиқ жангчи Дина Семеновна Люжаровская ички ишлар идораларида кўп йил ишлади. У 1942-1946 йилларда авиация қисмларида хизмат қилган эди.

Жангоҳларда фаол қатнашиб, кўпгина орден медаллар соҳиби бўлган Нина Павловна Торбина ички хизмат подполковниги унвони ва ички ишлар вазирлиги котибиятининг бошлиги лавозимига кўтарилди.

Милиция катта лейтенанти Ғ. Усмонов Улуғ Ватан урушидан иккинчи ва учинчи даражали Шухрат, “Қизил Юлдуз” орденлари, “Жасуриги учун”, “Жанговар хизматлари учун” медаллари билан она юрти Андижонга қайтиб келди. У 39-гвардиячи полк

сафларида Вена, Будапешт шаҳарларини озод қилишда қатнашди.

Участка вакили вазифасида ишлаб турган Ғ. Усмонов 1953 йилнинг 20 майида жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича жанговар постда турганида бир неча бор қамалиб чиққан жиноятчи унинг умрига зомин бўлди. Унинг номи ўзи хизмат қилган бўлинма шахсий таркиб рўйхатида абадий қолди.

“Қизил Юлдуз” ва кўпгина бошқа жанговар орден, медаллар нишондори милиция полковниги В. Зайцев яқин вақтгача Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, сўнгра ички ишлар вазирлиги жамоат тартибини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги бўлиб ишлаб келди. У шаҳар жамоат тартибини бузувчиларга, жиноятчиликка қарши фаол курашганлиги, ўз хизмат вазифаларини бажаришда довюрраклик, фидокорлик ва жасурилик намуналарини кўрсатгани учун “Қизил Юлдуз” ордени ҳамда “Жамоат тартибини муҳофаза қилишдаги аъло хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

Дахшатли урушнинг биринчи кунини Беларуссияда пулемётчилар взводининг командири сифатида қўтиб олган Смоленск пулемётчилар кўву-юртининг битирувчиси еш лейтенант Шариф Ҳасанбоев кўпгина ҳаёт-мамонт жангларида аскарлар билан енма-ен туриб фашист газандаларига қарши мардонавор курашди. Неча марта оғир яраланиб, госпиталларда даволанди. Тузалгач, яна сафга кирди. Батальон командирининг ўринбосари, полк штабининг бошлиги лавозимига кўтарилди. Ғалаба байрамини Прагада қўтиб олди. Урушдан кейин ички ишлар идораларига ишга кирди. Кўп йиллар ички ишлар вазирининг ўринбосари бўлиб ишлади. У қариллик гаштини суриб, уйда ўтиролмади.

Иккита “Қизил, Юлдуз”, иккита “Ватан уруши”, “Хурмат белгиси” орденлари, 17 та жанговар медаллар нишондори, истеъфодаги милиция генерал-майори Шариф Рустамович Ҳасанбоев айни пайтда жамоатчилик асосида Республика Президентини маҳкамасида хизматни давом эттиряпти.

Истеъфодаги генерал-лейтенант Бурхон Ҳасанович Сирожиддинов урушнинг тўпчи жангчи сифатида бошлаган эди. У иккита биринчи даражали, иккита иккинчи даражали “Ватан уруши”, учинчи даражали “Ватанга хизмати учун” орденлари, ўндан ортик жанговар медаллар нишондори, “Хизмат кўрсатган ИИВ ходими” нишони соҳибидир. У ешларни Ватанга садоқат, муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида олиб бораётган хизматлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ешлар мураббийси” деган юксак номга сазовор бўлган.

Улуғ Ватан уруши бутун халқ, шу жумладан, милиция ходимлари учун катта синов бўлди. Ундан шараф билан ўтган ҳуқуқ ҳимоячилари одамларнинг тинч ҳаётини турли ғаламислар тажовузидан муҳофаза қилиш каби яна бир кураш майдонида ҳам фидокорлик кўрсатаётдилар.

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

ЭСИЗ УМР!

Мирзиёд электротехника ва алоқа олийгоҳининг толиби. Ўша кунни курс оксоқолининг стипендияларни олганлигини билди-ю, тинчи йўқолди. Назарида унга улушини бермайдигандай туюлди. Ёки ҳаммадан аъло ўқирмиди... Миясига галати фикр урилди. "Уни ўғирласам-чи..."

Эртаси кун икки ҳамтовоғи билан оксоқолни кута бошлади. Биринчи танаффусдаёқ тенгқурига яқинлашди. У пул тўла сумкасини ўриндиққа осиб қўйганча мутулаага берилганди. Мирзиёд фурсатдан фойдаланиб сумкани олиб қочди. Уни зина ёнида писиб турган ҳамтовоғига узатди.

Бу борада гап нимадалигини оксоқол билиб олган, "Ўғрини ушла, ушла!" бошланган эди. Шу боис улар узоққа қочиб кета олмади. Суднинг қора курсисига ўтиришди. Юнусобод райони халқ суди Мирзиёдни 8 йилга, шериклари Аваз ва Ўйғунларни 6-7 йилга озодликдан маҳрум этди. Эсиз, арзимас 3378 сўмга соғурилган умр.

М.ҲАКИМОВ.



Фарғона вилоятининг Тошлоқ районидида милициянинг обрўйи борган сари яхшиланаяпти. Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Қарордаки содир этилган жиноятлар вақтида очиларкан, ўша ерда ҳуқуқ ҳимоячиларининг ҳурмати юқори бўлади. Бу тажрибадан ҳам, мазкур район ИИБ фаолиятидан ҳам маълум.

Суратда: (чапдан ўнгга) ИЖК катта оператив вакили, милиция капитани Турсунмурод Нурматов, бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция майори Аминжон Тошхўжаев ҳамда бош терговчи, милиция капитани Солижон Имомовлар ўғрилardan мусодара қилинган буюмларни кўздан кечиришяпти.

Сурат муаллифи А. ҲАКИМОВ.

«Хидоятхон, баракалла!»

Яқинда Андижон вилояти судида бир жиноий иш кўрилди. Унда шаҳардаги 2-дўкан сотувчилари Х. Ғуломов ва Ш. Мирзаевларнинг қинғир ишлари фойдаланиб, муносиб жазо тайинланди.

Қандай қинғирлик экан дерсиз? Хидоятхон ўрта мактабни тугатди-ю сотувчиларга ҳавас қўйди. Аввал кичик сотувчи бўлиб ишлади. Қарабсизки омади юришиб кетдида, 1959 йилдан 1976 йилгача Андижон шаҳар кўпмолли дўконида бўлим бошлиғи, сўнг директор лавозимларини эгаллади. Яхши хизматлари эвазига давлат мукофотларидан бенасиб қолгани йўқ. Бироқ бора-бора нияти айниб, имон-инсофдан йироқлашиб кетаверди. Албатта тафтишлар ўтказиларди-ю, бироқ ўзи тафтиш комиссиясининг раиси бўлгач...

1988 йилда 600 минг сўмлик камомад аниқланди. Хидоятхон шаҳар савдо корхонасининг собиқ директори А. Зариповга маслаҳат соғди. У Хидоятхоннинг қўл остида ишловчи Ш. Мирзаевдан ундириш

кераклигини айтди ва биргалашиб Шўхратнинг отаси билан учрашди. Яхшилаб ваҳима қилишди. Хуллас чол ўғлининг бекордан-бекорга камалиб кетишидан кўриб, қариндош-уруғларидан қарз кўтарди. 93 минг сўмни аелга тутказди. Шу билан ҳаммаёқ сув сепгандай жимиб қолди.

1989 йилнинг майида Шўхрат бир ҳафтага Ленинградга ўйнаб келгани жўнади. Қайтганида дўкан омборхонасидан баъзи нарсаларнинг ўмарилганини кўриб ёқа ушлади. Янгиларни директори Х. Ғуломовга етказди.

— Ғам еманг, Шўхратбек! Ҳаммасини тўғрилаймиз. Бу ишни кўя турингда, ўшга ярмаркага боришга газмолларни тайерланг! Кейин гаплашамиз.

Аммо ўшдан қайтгач, директорнинг мудирга муносабати ўзгарди. Шўхратбек пайт пойлаб омборхона воқеасини эслатганида, "Омборни топширинг!", — деди. Бироқ омборхонада ўтказилган

тафтишда бир миллион 43 минг сўм камомад борлиги аниқланди. Хидоятхон айбни Шўхратга юкледи. 1990 йилнинг октябрида Ш. Мирзаев ҳибсга олинди.

Тергов давомида қизиқ фактларга дуч келинди. Уй қурган, ҳаммом солган Хидоятхон Ғуломовга, қурилиш материалларига югурган, уларни сотиб олган, усталар топиб, уларга пул берган Шўхратбек Мирзаев. Бироқ Хидоятхон бирорта айбни юктиргиси келмас, айбдор фақат мудир эди. Яхшиямки усталар ҳақини давлат ҳисобидан берган одамни унуттирмаган экан. Суд ярим йилдан ортиқ давом этди.

Суд маълум қарорга келолмаётган қуларнинг бирида Шўхрат галати хат олди. Аниқроғи уни дарвозанинг тагида ташлаб кетишганди. Парча қозоқда унга ўғрилалар номидан миннатдорчилик билдирилган ва қилган яхшиликларига яхшилик билан жавоб қайтарини ниятида эканликлари, фалон жойга пул кўмилганлиги эзилганди.

Дарров комиссия түзилди ва айтилган жойга борилди. Дарҳақиқат хатда эзилганидек ўша жойдан 1 миллион сўм пул чиқди. Пуллар мусодара қилинди. Суд ҳам тезроқ тўхтамга келди.

Хуллас Х. Ғуломов ва Ш. Мирзаевлар 5 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. У. ҲОЛИҚОВ.

ЁШЛИГИНИ УНУТМАГАНЛАР

Уларни нафақадорлар дейишади. Юрт учун, эл учун керагича ишлаб беришди. Энди оёқ узатиб, чойхонада чойхўрлик қилишлари мумкин. Аммо бу "бундан буён ҳеч нарсаси билан ишинг бўлмасин", дегани эмас, албатта. Қолаверса, нафақадорликка чиқиб ҳам тиниб-тинчимайдиган қарияларимиз истаганча топилади. Уларда куч бўлмаса-да, тажриба бор, қувват бўлмаса-да, шижоат, ғайрат бор. Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашига уюшган кексаларимиз ана шундай ҳиммати баланд инсонлардир.

Ўз даврида юрт осойишталиги учун самарали хизмат қилган истеъфодаги зобитлар ҳамда ички ишлар идоралари ходимларидан иборат мазкур кенгаш раҳбарлари фахрийлар билан танишишда, уларга моддий ва маънавий кўмак беришда имкониятлари даражасида иш олиб бораётганлар. Халқимизнинг Наврўз, Қурбон ҳайит, Ийд рамазон ва бошқа турли маданий-диний байрамларини кутиб олишда жонбозлик кўрсатган шижоаткор, ёшлигини унутмаган бу инсонлар ҳур республикамиз мустақиллигининг бир йиллигини муносиб нишонлашда ҳам анчагина фаоллик кўрсатдилар.

Улар район, шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари билан ҳаммаслақликда тез-тез учрашувлар ўтказиб туришибди. Айниқса, ички ишлар соҳасида эндигина хизмат фаолиятини бошлаётган ёшларга ўзларининг зарур маслаҳатларини бериб боришяпти.

— Бизнинг 718 нафар аъзомиз бор, — дейди бошқарма уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Малик Жўраев. — Уларнинг кўпчилигида бошқарма раҳбарияти билан келишилган ҳолда моддий ёрдам кўрсатдик. Ногиронларнинг уйларига бориб, турмуш шароити билан танишиб турибмиз. Ёшлардан ҳуқуқ-тартибот соҳасида маслаҳатларимизни аямаямиз. Аҳмад Остонав, Иброҳим Абдурахмоновлар кенгашимизнинг тиним билмас фаолларидан.

Ҳа, қариллик остонасидан ҳатлаган бўлишларига қарамай, ёшлар билан барқарор, бир сафда ҳаракат қилишга интилаётган отахон-онахонларимизни кўриб, кўнгил чароғонлашади, албатта. Зеро, хизмат қилган элда азиздир.

У. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот
гурухи катта назоратчиси, ички
хизмат катта лейтенанти.

Самарқанд

Ҳали яшаши мумкин эди

Шу йилнинг 27 сентябрь кунни Каттақўрғон шаҳрининг Навоий кўчасидаги 1-ўйда истиқомат қилувчи 22 ёшга етиб-етмаган Тилов Урозов 68 ёшли мўйсафиднинг умрига нуқта қўйди. У "ГАЗ-53" белгили автомашинасини бошқариб келаётган, Навоий ва Шмидт кўчалари кесишган чорраҳада нафақадор А. Жўраевни уриб юборди.

"Ишонмагин дўстингга..."

Пайариқ районидаги Кул қишлоғида яшовчи Шуккур Н. Халқобод ижара ҳўжалигининг бош чўпоғи эди. 28 сентябрь кунни у ҳўжаликнинг отаридан, бир бош қўйни ўғирлади-ю, ҳам тағидан, ҳам иймонидан, ҳам одамлар ишончидан жудо бўлди.

Йўқолган топилди

15 сентябрь кунидан бери бедарак йўқолган ургутлик Худоёр Хўжамбердиев Самарқанднинг Сиёб бозоридан топилди. Нима учун йўқолиб қолганлиги сабабини дoston қилишни истамадик.

Фалокат оёқ остида

Ургут районидаги Панжиқул қишлоғининг 33 ёшли фуқароси А. Холматов айвонида тамаки япроқлари тизилган ипларни оёсаётиб, тўсатдан нарвондан йиқилиб тушди ва ўша жойнинг ўзида жон таслим қилди.

С. ЗОҲИДОВ,
милиция майори.

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИИБни электрон-хисоблаш техникаси (асосан Жанубий Корея ва Японияда ишлаб чиқарилганлари) билан жадал жикозлаш вақтида ходимларни компьютерларда ишлашга ўргатиш масаласига ҳам катта эътибор берилди. Бир қатор ходимлар Россия ИИБ академияси, Иркутск, Новосибирск, Новгород ИИБ ва Ўзбекистон Республикаси ИИБда бу ишни ўрганиб қайтдилар.

ИИБ хисоблаш марказининг фаолияти аввалига жиноятчилик ахволи ҳақида статистик маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва ахборот беришдангина иборат эди. Лекин кўп ўтмай тарқоқ ҳолдаги барча ахборотларни тўплайдиган ва тартибга соладиган дастур ишлаб чиқиш зарурлиги маълум бўлиб қолди. Шу мақсадда оператив хизмат ишида муваффақият билан қўлланиладиган ахборот жамғармалари бўлган 16 та масаладан иборат комплекс тайёрланди.

Ички ишлар идоралари фаолиятида хисоблаш техникасини жорий этиш иши ҳақида йиғилганлар ҳузурида Бухоро вилояти ҳокимлиги ИИБ бошлиғи полковник Матрасул Собиров сўзга чиқди. "Вилоят ички ишлар идоралари фаолиятида компьютер техникаси жорий қилиниши билан, — деб таъкидлади у, — жиноятларни очилишини дастлабки даврида мавжуд маълумотлар жамғармасидан тулақонли ва сифатли фойдаланишни ташкил қилиш борасида объектив қийинчиликлар пайдо бўлди. Бу куч ва воситаларни бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги, янада самаралироқ шакллари жорий этишни талаб қилди. Ана шу мураккаб муаммони ва жиноятларни очилиш механизми занжирини пайваста

қилиш мақсадида тажриба сифатида жиноятларни очилишга йўналтирилган барча хизматлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва уларга керакли ахборот берувчи бўлим ташкил этишга қарор қилинди. ИИБдаги мавжуд иш жойлари ҳисобига жиноятларни "излар босилмасдан" очишни уюштириш бўйича катта ваколат ҳамда имкониятларга эга бўлган бўлим шу тариқа шаклланди. Бўлимга асосан компьютерларда яхши ишлай оладиган жиноят-қидирув ходимлари олинди. Улар оғир жиноят содир қилинган барча жойларга боришади ва жиноятнинг барча томонларини ўрганишади. Кейинчалик эса улар аниқ бир жиноятни очилиш билан шугулланаётган ходимлар учун қидирув ишларини уюштиришда ва зарур ахборот беришни ташкил этиш билан шугулланади. Жиноятларни излар йўқолмасдан очишни ташкил этишдан ташқари, ушбу бўлим ходимлари оммавий тадбирлар ўтказиладиган қулар вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида оператив вазиетни назорат қилишни таъминлайдилар. Истикболда бу бўлим жиноятчилик келажақда қандай бўлишини тахминан белгилаш, доимий оператив хизмат кўрсатилиши лозим бўлган объектларни аниқлаш, ички ишлар идоралари фаолиятига янги ахборот-қидирув тизимларини жорий қилиш билан машғул бўлади.

Бу янгилар ҳуқуқ — тартиботни муҳофаза этишда маълум ижобий силжишларга олиб келганлиги таъкидланди.

Жиноятлар ўсиш суръатини камайтиришга (1991 йилдаги 16,4 фоиз ўрнига мазкур йилнинг шу даври ичида 0,5 фоизгача) эришилди. Оғир жиноятлар миқдори 0,8 фоизга камайди, ўтган йили эса улар 12,3


фоиз кўпайган эди. Вилоятда қасддан одам ўлдириш (29,6 фоизга), тан жароҳати етказиш (14,3 фоизга), босқинчилик (29,3 фоизга) ва йўлтўсарлик (3,9 фоизга), транспорт воситаларини ўғирлаш (35,7 фоизга) каби жиноятлар миқдори кескин камайди.

Шахсий мулкни ўғирлаш камайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда, гиёҳванд моддаларни ноқонуний олиб-сотиш билан боғлиқ воқеаларни аниқлаш ахволи яхшиланмоқда. Жиноятларни "излар босилмасдан" очилиш аниқлашга, яъни 1991 йилга нисбатан 42 фоиз ўсишга эришилди.

Семинар-кенгашда ИИБ жиноят-қидирув бошқармасининг бошлиғи, милиция майори В. Норов жиноятларни очилиш ва жиноятчиларни қидиришда компьютер техникасидан фойдаланиш муаммолари ҳақида муфассал тўхталди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Р. Йўлдошев "Ички ишлар идораларида хисобга олишни автоматлаштириш ва республика бўйича ягона тармоқ тизимини тузиш" тўғрисида амалий машғулот ўтказди ва шу муаммо билан боғлиқ қўлаб саволларга жавоб берди. У маъруза қилган вақтда семинар қатнашчилари мажлислар залида ўрнатилган компьютер техникасининг имкониятлари ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Анжуман қатнашчилари гувоҳларнинг сўзидан гумондорнинг субъектив портретини қисқа вақт ичида қизиқ бера оладиган "Фоторобот" компьютер тизими ҳамда ИИБ оператив бўлими иши билан танишдилар.

Семинар-кенгаш ниҳоясига



етаётганда, мен унинг айрим қатнашчилари билан учрашиб, ушбу тадбир ҳақидаги фикрларини сўрадим. Ўзбекистон Республикаси ИИБ жиноят-қидирув, уюшган жиноятчилик ва коррупция билан кураш Бош бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси, милиция майори Тоҳиржон Ҳақимов ўтказилган семинар-кенгашнинг долзарблигини таъкидлади ва ушбу анжуман жиноятчиликка қарши курашда оператив бўлинмалар ишининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, деб ишонч билдирди.

Навоий вилояти ҳокимлиги ИИБ экспертиза-криминалистика бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги В. Уропин ўз ишларида республикамиз, биринчи навбатда Бухоро вилоятида тўпланган тажрибага таъинишларини айтди.

— Вилоятларнинг семинар-кенгашга келган вакиллари, — деди Ўзбекистон Республикаси ички

ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Рустам Абдуллаев, — анжуман вақтида жиноятларнинг олдини олиш ва очиш ишида жорий қилиниши керак бўлган қўлаб янги ва зарур билмаларни ўзлаштирилди. Компьютер техникасини қўллаш муаммосини маҳаллий ҳокимият идоралари билан яқин алоқада ҳал этиш лозим, бунда ташаббус ва қатъиятлик кўрсатиш керак.

Е. ЗУЕВ,
Бухоро вилояти ҳокимлиги ИИБ
матбуот гурухининг бошлиғи,
милиция майори.

Суратда: Бухоро вилояти ҳокимлиги ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги С. ЗАЙННОВ йиғилганлари гумондорлар ҳақида маълумот олиш тартиби билан таништирмоқда. Сурат муаллифники.

Хизматларда

УЛАРДАН ҲАММА МАМНУН

Бозор иқтисодиётининг қийинчиликларини бошдан кечириётган жамиятимизда иқтисодий танқислик туфайли ўғирлик, босқинчилик ва шунга ўхшаш жиноятлар кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли бу иллатларни йўқотишда, ҳалқ оқолини таъминлашда асосий таянч нуқтаси бўлган участка вакиллари зиммасига катта масъулият тушади. Улар ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилишса, оқолини таъминлаш доим барқарор бўлади. Оқолини таъминлаш сурган жойга кут-баракани қиради.

Ҳўш, шундай экан, Бекобод шаҳар ички ишлар бўлимининг участка вакиллари ўз хизмат вазифа ва бурчларини қандай адо этишмоқда?

Яқинда биз ана шу ички ишлар бўлимида бўлдиқ, участка вакиллари шун кўнларда олиб бораётган ишлари билан қизиқдик. Охири уларнинг эл-юрт оқолини таъминлаш ишлари билан шарафли меҳнатларини ҳамда бу борада тўплаган тажрибаларини ҳар қанча олқишласа, оммалаштирса арзийди, деган ҳулосага келдик. Келинг, яхшиси, бир бошдан ҳикоя қила қолайлик.

Айни пайтда Бекободда 26 нафар участка вакиллари фаол иш олиб бормоқдалар. Уларнинг деярли барчаси ўз хизмат вазифаларини жуда яхши билишди, жамоатчилик билан ишлашда етарли тажрибага эгадилар. Улар фаолиятини тўрт нафар тажрибали катта участка вакили режали йўлга солиб боришди.

Бекобод ва Муқимий маҳаллалари шаҳардаги ибратли маҳаллалардан. Бу ерларда жамоат тартибини сақлаш, оқолини таъминлаш борасида намунали ишлар амалга оширилади. Участка вакилларида милиция лейтенантлари Муроджон Йўлдошев ва Ботиралӣ Исмоиловлар маҳалла кўмиталари билан доимо бирга, ҳамжихат бўлиб ишлашди. Маҳалла кўмитаси раислари М. Элибев ва О. Ҳожиматовлар эса участка вакилларига қўлларидан келганча ердан кўрсатишди. Кўмита йиғилишларининг ҳар бирида тартиб-интизом, ғайриқонуний ҳаракатлар, ешлар ўртасидаги тарбиявий ишлар ахволи муҳокамага қўйиб борилади.

Яқинда М. Элибев бошчилик қилаётган маҳалла фаолларининг ана шундай анжуманига шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Маҳамат Маҳкам

ва ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ҳокими муовини таширф буюриб, очикчасига суҳбат ўтказишди. Унда жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлигининг, ҳамжихатлигининг аҳамияти хусусида ҳам гаплашиб олинди.

Анжуман иштирокчилари ташаббуси билан кўнгилли халқ дружиначилари сайланиб (этибор беринг, сайланиб), тунги наватчилик ташкил этилди. Бунинг аҳамияти ва муҳим томони шундаки, кўнгилли ердмчилар гуруҳи аввалгидек корхона ёки ташкилотлар ҳисобидан эмас, балки ўша маҳалланинг ўзида яшайдиган фуқаролардан ташкил топган. Улар бугунги кунда шаҳар милициясининг энг яқин ердмчиларига айланишган. Ҳар бир йилни, тўй-ҳашам ва бошқа маросимларнинг бежанжал, оқолини таъминлаш ишлари билан таъминлайдилар. Шу сабабли ҳам юқорида номлари келтирилган маҳаллаларда кейинги икки ойда ҳеч қандай кўнгилсиз воқеалар, тартиббузарликлар содир бўлгани йўқ.

О. Ҳожиматов раислик қилаётган маҳаллада дунёга доғи кетган Ўзбекистон металлургия заводининг асосий биноси, Н. Крупская ва Макаренко номи ўрта мактаблар, тўртта болалар босчаси, «Металлургия» уйингоҳи, Ешлар уйи, «Металлургия» маданият уйи жойлашган. Бу ерда 1989 йилдан бери Ботир Исмоилов участка вакили бўлиб ишлаб келаётди. У салкам 5000 нафар аҳоли билан доимий мулоқотда бўлишига тўғри келади. Б. Исмоилов корхона раҳбари, уларнинг фаоллари билан бамаслаҳат иш юритади, аҳоли ўртасида ҳуқуқий мавзуларда маъруза ўқиб, уларни қизғин суҳбатга тортади.

— Менинг хизмат ҳудудимда кейинги олти ой давомида саккизта жиноят қилинган эди, — дейди Ботирқул Исмоилов биз билан суҳбатда. — Уларнинг ҳаммаси ўғирликлардан иборат эди. Иш услубимга ўзгаришлар киритиб, жиноят содир этилган корхоналар жамоалари ва фуқаролар ҳузурида тушунтириш ишларини кучайтиришга тўғри келди: натижаси емон бўлмади. Шу йилнинг олти ойи давомида фуқаролар мулки ўғирлиги қайд этилмади. Қувончлисиз шундаки, йил давомида содир этилган жиноятларнинг барчаси очилди.

Бугунги кунда давлат мулкни ўғирлаш сони кўпайиб кетди. Демак, биз бир соҳада жиноятлар йўлини беркитибмиз-у, бошқаларига

этиборни сусайтириб қўйибмиз.

Кўни кеча ўтказган ҳисобот йиғилишида ана шулар хусусида сўз юритиб, жиноятчиликка қарши курашда ҳар тарафлама иш олиб бориш лозимлигини таъкидладим. Йиғилганларнинг кўпчилигини қариялар ташкил қилишарди. Улар фикримни қўллаб-қувватладим.

Менинг хизмат ҳудудимга милиция катта лейтенанти Улғубек Матмусоевнинг хизмат ҳудуди чегарадош. Шу боис айрим ҳолларда у билан ҳамкорликда иш юритамиз. Бу ишимизга ижобий таъсир кўрсатяпти. Гапимнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман.

Яқинда Макаренко номи ўрта мактабга тунда ўғри тушиб, рангли телевизорни ўмариб кетган эди. Бу жиноят бир неча ойдан сўнг ҳамкорлик натижасида очилди.

Муроджон Йўлдошев ҳақида катта участка вакили, милиция капитани Мавлонкул Шералиев шундай ҳикоя қилади:

— Муроджонга биркитилган ҳудудда олти ой мобайнида 17та жиноят содир этилган эди. Бироқ уларнинг ҳаммаси қисқа вақт ичида Муроджоннинг елиб-югуриши туфайли очилган. Мана шундай участка вакиллари билан доим фахрланиб юрамиз.

Маҳалла кўмиталарининг раисларидан М. Элибев, О. Ҳожиматов, И. Мўминов, А. Норматов ва бошқалар участка вакиллари билан энг яқин маслаҳатчилик ва ердмчилари бўлиб қолишган. Уларнинг кўпчилиги аввал ички ишлар идораларида меҳнат қилганликлар, шу соҳани яхши тушуниши ва билиши юзасидан қўл келмоқда.

Участка вакиллари кўндалик ишларида айниқса шаҳар ҳокими Ақром Ибобовов шахсан катта ердм бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мана икки йилдирки, участка вакиллари ҳар ойда ҳокимликка йиғилишди. Бу ерда ўтган ой давомида олиб борган ишлар юзасидан ахборот беришди. Мавжуд камчиликларни муҳокама қилишди, келгусидаги режа ва вазифаларни аниқ белгилаб олишди. Бу ишни тўғри ва самарали ташкил этишда яхши натижа берапти. Ҳокимликдаги учрашувда кўтарилган муаммолар тез кунда бартараф этиб борилади. Яқинда ҳокимлик участка вакилларига иккита мотоцикл ҳадя этди.

Ангрн ҳокими ташаббусига қўшилиб, шаҳардаги мавжуд 13та жамоат тартибини сақлаш

п
у
н.
к
т
л
а
р
и
н
и
т
у
н
д
а
т
р
а
н



спорт воситалари билан таъминлаш ижобий ҳал этилмоқда.

Автомобил ва темирйўл транспорт корхонаси, Ўзбекистон металлургия заводи, автобус-таксомотор саройи, «Сарбон» акционерлик жамиятларидан ички ишлар бўлими бағоят мамнун, бу корхона ва ташкилотлар томонидан жамоат тартибини сақлаш ишларига ўнла транспорт воситалари мунтазам равишда ажратилиб турибди. Бу участка вакиллари билан тўн тадбирларини ўтказишларида асқотмоқда.

— Участка вакиллари жиноятларни очишда фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш истадим, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Умарали Элибев. — Шаҳарда кейинги олти ой мобайнида жиноят-қидирув йўналиши бўйича 193та воқеа қайд қилинган (1991 йилда эса 200тани ташкил этган эди). Шулардан биттаси қотиллик бўлиб, номусга тажовуз ётади, жиноий безорилик иккитага қамайган.

Вакиллар 63 нафар илгари судланган шахсларни назоратга олишган. Шу боисдан ҳам аввал судланганлар томонидан қайтадан жиноят содир этиш ҳоллари шаҳарда анча қамайган.

«Қорадори-92» тадбирини ўтказишда участка вакиллари салмоқли ҳисса қўшишди. Улар иштирокида 13та хонадонда гуркираб ўсиб етган қўқонни майдони аниқлаиб, йўқ қилиб ташланди.

Айни пайтда 18 нафар участка вакили қисқартириш арасида турибди. Агар бу тадбир амалга ошириладиган бўлса, ички ишлар идораси жамоат тартибини сақлашдаги жуда катта кучдан

маҳрум бўлади. Бу масала, билишимча, маблаг ажратувчи корхона ва ташкилотларнинг ҳужалик ҳисобига ўтиб ишлашлари, умуман бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлиб қолганлигидан ҳозирча ўз ечимини топгани йўқ.

Ечимини қутаётган муаммолар талайгина: бор-йўғи олти нафар участка вакиллари уйда телефон бор, ҳолос. Икки нафар вакил хизмат хонасига муҳтож, транспорт воситаларига эҳтиёт қисмлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Лекин участка вакиллари имконият қидириб ишлашапти. Шу боис халқ уларни олқишляпти.

Яқинда металлургия заводининг мартин цехида бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан учрашувда айтилган миннатдорчиликлар фикримизнинг исботидир.

Тоҳир РИХСИЕВ,

Тошкент вилояти ИИБ шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги,

Мирқарим МИРСУВУРОВ, шу бошқарма матбуот маркази раҳбари, ички хизмат майори.

Суратда: (чапдан ўнгга) Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи муовини, милиция подполковниги Раймжон Ҳошимов, катта участка вакили, милиция капитани Муҳиддин Каюмов, участка вакилларида милиция лейтенантлари Тўрабой Тулиев ҳамда Ҳамдам Юсуповларни қўриб турибсиз.

Р. ХОЛМАТОВ тайёрлаган сурат.



Суратли хабар

Жиноятчилик оламида кундан-кунга авж олаётган муҳдиш ишларни очишда ички ишлар бўлимида фаоллик кўрсатаётган эксперт-криминалистларнинг хизмати гўяда муҳимдир.

Ёвуз ва маккор жиноятчилар фойдаланадиган совуқ қурулор шу мутахассислар лабораториясига келиб тушади. Ўз ишининг етук усталари синчковлик билан ўз билим ва маҳоратларини ишга солиб терговчиларнинг ишини енгиллаштирилади.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалисти В. Расулов зийрак мутахассислардан биридир. У ўтган йили Тошкент ҳуқуқшунослик техникумининг битириб, шу ерда иш бошлади. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

Транспорт милициясида бир кун

МАНЗИЛГА ЕТМАЯПТИ

Яқинда Тошкент темирйўл шохбекатининг кутиш залида Исфара шахрида яшовчи Х. Алим текширилди. Қарангки, милиционерлар адашмаган экан. Унинг ёнидан 1 килограмму 200 грамм наша чиқди.

Тошкент қўналғасидан Москва шахрига учаётган тайёра йўловчиларининг юклари махсус текширувдан ўтказилди. Натижада Б. Артурнинг юк халтасидан 74 грамм, унинг ҳамроҳи Т. Қосимниқидан эса 78 грамм афюн чиқди.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН...

Нарпай районлараро базасига

келган вагоннинг юклари туширилади, қорозда кўрсатилган, умумий нархи 10 минг 150 сўмлик иккита шкаф ва иккита тошойна йўқлиги маълум бўлди. Бу ҳақда зудлик билан Бухоро транспорт милициясига хабар берилди. Қўрилган қидирув ишлари натижасида ушбу жиноятни содир этган 35-разъездда поездлар текширувчиси бўлиб ишловчи Т. ва ўша станция ишчиси Х. лар қўлга олинди.

ЕРДАМЧИ

Тошкент станциясининг ички ишлар бошқармаси наватчилик қисмига бир фуқаро ариза билан мурожаат қилди. Айтишича, электр

поездининг бўш вагонидан икки номаълум шахс унга тажовуз қилиб, 25 минг сўм пулини, 35 минг сўмликдан зиёд кийим-кечаклари ва паспортини тортиб олиб, гўйиб бўлган.

Зудлик билан қўрилган оператив чоралар ўз натижасини берди. Янгийўллик 22 ёшли, ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳусан ва тошкентлик 21 ёшли Энгель қўлга олинди. Қизиги шундаки, Энгель шу станцияда машинист ердмчиси бўлиб ишлар экан.

Буюмлар эгасига қайтарилди.

Анвар ҲАКИМОВ,

ИИБ матбуот маркази ходими.

Шаҳарнинг сергак посбонлари

Бензин танқислигига қарамай, Тошкент кўчалари автомашиналар билан тўла. Кимдир хизматга, кимдир ишдан уйига томон ошиқди, кимдир меҳмондорчиликдан, кимдир базмдан кайтади... Ҳар ким тезроқ, мўлжалланган манзилгоҳига етиб боришни ўйлайди. Ана шундай паллаларда ўз ҳаёти ва йўловчилар тақдир уларнинг қўлида бўлган ҳайдовчилар зиммасига юксак масъулият юкланади. Ҳайдовчининг кайфияти, йўл ҳаракати қондаларига нечоғли амал қилиши ҳам кўчада, ҳам уйда, ҳам руҳиятда оқолини таъминлаш тугдиради.

Афсуски, доимо ана шундай бўлавермайди. Йўлда ва рулда жуда кўп воқеалар, ҳангомалар бўлиб туради. Кўпича бундай воқеалар содир этилишида биз давлат йўл назоратчиларини айблашга, ўзимизни беғуноҳ фарияшлар қилиб кўрсатишга одатланиб қолганмиз. Йўл қондаларини қўпол равишда бўзиб, фалокатларни вужудга келтириб, гоҳ худ, гоҳ беҳуд кайфиятларда рулга ўтириб, машина бошқарамиз-да, тартибга чакириб, ҳаётимиз ҳақида қайгурган одамларга қўпол муомала қиламиз.

Шу муносабат билан ҳайдовчилардаги маданият хусусида бир-икки оғиз гап айтмоқчиман. Тошкентдаги ениги қўйиш станцияларидаги бетартиблик ва қўполликни ким ташкил этапти?

Нега одамлар бу ерда асабийлашиб, ҳатто уруш-жанжал даражасигача бормоқдалар? Аксарият ҳолларда 17-25 ёшлардаги ўспиринларнинг беҳаёлиги ва одобсизлиги кўпчилигининг ғашига теғмоқда. Улар наватдан ташқари бензин олишга, идишларини, машиналарини наватсиз тўлдиринишга ўрганиб қолганлар. Уларнинг мушуги «пишт» дейдиган одам йўқ. Безорига шаҳар кенг бўлиб бормоқда.

Менинг фикримча, одамларда, айниқса, ешларда ўзаро муомала маданияти ва тартибга риоя қилиш кўникмаси ҳосил бўлганча, бензин берадиган жойларни шундай ўраш керакки, бирон бегона, наватсиз одам еки машина унга на олдида, на енидан кира олмайдиган бўлсин. Еки ҳар бир ениги сотадиган станцияда ДАН ходими наватда туриши ва тартиббузарларни шу ерининг ўзида жарима тўлашга, еҳуд ҳайдовчилик

ҳуқуқидан маҳрум қиладиган бўлсин. Акс ҳолда айрим ешларнинг сурбетлиги қушқондан чиқиб кетмоқда.

ДАН ходимлари кечаю-кундуз тиним билмайдилар. Мен яқинда «Ўзбекистон» кўчасининг «Халқлар дўстлиги» метро бекати енида ДАН ходимлари иш фаолиятига гувоҳ бўлдим. Гира-шира қоронғулик тушиб қолган, машиналар қатнови анча сийрақлашган. Ўзқондан келаётган машиналарнинг тезлиги асқотиб ҳам қўлга яққол ташланади. Шаҳар ИИБ ДАН учинчи рота, учинчи взводдан милиция сержанти Қўчқор Охунбеков ва милиция старшиниси Шодихон Юнусовлар наватчилик қилишарди. Мен уларнинг йўл ҳаракати қондасини бузган ҳайдовчиларга бўлган муносабатини кузатдим.

— Қондабузар ҳайдовчининг ўз айбини бўйнига олиб, ўз сўраши ва иккинчи марта такрорламасликка сўз бериши, — дейди милиция сержанти Қўчқор Охунбеков, — биз учун жарима олишдан кўра афзал.

Шаҳар тинчлиги ва одамлар оқолини таъминлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган ДАН ходимлари гоҳо ўз پوستида тонг отгунча қолиб

кетадилар. — Ниятимиз, иложи борица одамларни ранжитмаслик, — дейди милиция старшиниси Шодихон Юнусов, — мана, қўриб турибсиз, «Москвич 412» ҳайдовчисини қандай қилиб жазоламаслик керак? Юриш тезлигини қаранг! Еки «Ваз-2103» машинаси-чи? Техник қўриқдан ўтмаган. Бунга машина ҳар қадамда ҳайдовчига ҳам, йўловчига ҳам хавфли-да. Ўзини ҳурмат қилган одам бошқаларни ҳурмат, ўзгаларнинг ҳаётини эҳтиёт қилади. Қанийди, кунга бирорта ҳужжат тўлдирмай, ҳеч кимни жазоламай ишни якунласан.

Ҳаёт ўзгариб бормоқда, охириги 1-2 йил ичида Тошкент шаҳар ИИБ ДАН ходимлари орасида йўл ҳавфсизлигини таъминловчи маданиятли йигит-қизлар сони ортиб бормоқда. Мустиқиллик шарофати билан пойтахтимизга чет эллик меҳмонлар ва сайёҳлар ташири тобора ортиб бораётган ҳозирги пайтда Қўчқор Охунбеков ва Шодихон Юнусов сингари талабчан ва одил йўл посбонлари халқ билан милиция ўртасидаги дўстона муносабатни кучайтириш йўлида хизмат қилмоқдалар. Хизматининг беҳатар бўлиш, пойтахтнинг сергак посбонлари!

Т. МАХМУДОВ,

«Нафосат» ойнамасининг бош муҳаррири, профессор.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДАВЛАТ УЙ — ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, УНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбековнинг 1992 йил 23 сентябрдаги фармойиши билан Тошкент шаҳрида уй-жой фондини хусусийлаштириш тартибини белгиловчи норматив ҳужжатлар тасдиқланди. Газетхонларимизнинг кўпдан-кўп илтимосларига кўра бу-гун Тошкент шаҳрида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларини эълон қиламиз.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. 1. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 августдаги 378-Қарори билан тасдиқланган "Тошкент шаҳрида давлат уй-жой фондини* хусусийлаштириш ҳақида"ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. 2. Ушбу Қоидалар билан қуйидагилар белгиланади:

— уй-жой фондини хусусийлаштиришни ўтказиш тартиби;

— уй-жой фондини хусусийлаштириш шартлари ва ўзаро молиявий ҳисоб-китоблар тартиби;

— уй-жой эгаларининг ҳуқуқ ва бурчлари;

— уй-жой биноларини ижара шартлари билан бериш тартиби;

— хусусийлаштирилган уй-жой учун коммунал хизмат ҳақини тўлаш ва уни сақлаш тартиби;

— хусусийлаштириш ишларининг боришини назорат қилиш ва қонда бузишларнинг олдини олиш чоралари.

1. 3. Маҳаллий Кенгашларга қарашли уй-жойларни хусусийлаштиришни амалга оширувчи идоралар Тошкент шаҳри Ҳокимининг тегишли қарори билан белгиланади.

УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1. 4. Алоҳида уй еки квартирани хусусийлаштириш ҳақида қарор қабул қилган фуқаролар белгиланган намунадаги ариза билан истиқомат еки иш жойидаги уй-жойларни хусусийлаштириш бўйича район бўлимига мурожаат қиладилар. Бу ерда аризада хусусийлаштириш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш учун хизматларга тўланадиган ҳақ тақдим этилади. (1-илова).

1. 5. Уй-жойни хусусийлаштирувчи фуқаролар маълумотномалар йиғишдан ва ушбу Қоидаларда кўзда тутилмаган қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш заруриятидан озод қилинадилар.

1. 6. Зарур ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар аризада томонидан, шаҳар Ҳокими тасдиқлаган тарифлар доирасида, квартира қийматига қўшимча равишда тўланади.

1. 7. Фуқароларнинг аризаларини "Ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш" махсус дафтарда қайд этиш аризада томонидан квартирани (уй, кotteж) хусусийлаштириш ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун пул тўланганлиги ҳақидаги квитанция тақдим этилгандан кейин амалга оширилади.

1. 8. Уй-жойни хусусийлаштириш ҳақидаги ариза бир ой муддат ичида кўриб чиқилади ва бажарилади. Шу муддат ичида уй-жойнинг тавсифи, унинг жойлашган ўрни, қулайлиги, бошқа фойдаланиш сифатлари аниқланади ва қийматини аниқлаш методикасига мувофиқ, хусусийлаштирилган уй-жойнинг узил-кесил қиймати белгиланади.

1. 9. Уй-жойни хусусийлаштирилган фуқароларга мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатлар берилади. Аризачи бирон бир сабаб туфайли квартирани (уй, кotteж)ни

хусусийлаштиришни рад этган тақдирда хусусийлаштиришга доир ҳужжатларни расмийлаштириш учун тўланган, махсус хусусийлаштириш счётига тушган маблағлар қайтариб берилмайди.

1. 10. Уй-жойни хусусийлаштириш ҳақидаги аризада оиланинг балоғатга етган аъзоларидан исталгани асосий квартира эгаси ўрнига кўрсатилиши мумкин. Бунинг учун оилада бирга яшовчи, балоғатга етган барча аъзоларнинг розилиги бўлиши керак.

1. 11. Оилада бирга яшовчи, балоғатга етган барча аъзоларнинг розилиги ва техникавий шароитлар мавжуд бўлган тақдирда, улуш қўшган ҳолдаги мулк эгаси ҳуқуқи билан, ҳар қайси конкрет хонанинг эгаси, ҳажми ва қиймати кўрсатилган ҳолда, битта квартира оиланинг балоғатга етган икки ва ундан кўп аъзоси номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Икки ва ундан кўп мулк эгаси бўлган квартиралардаги умумий равишда фойдаланиладиган ўринлар биргаликда фойдаланиш учун қолади.

1. 12. Вазирликлар, давлат комитетлари, идоралар ва корхоналар эгаллик қилаётган уй-жой фондларини** хусусийлаштириш уларга тегишли бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

1. 13. Идорага қарашли уй-жой фондини хусусийлаштириш бўйича ваколатлар шартнома асосида уй-жойларни хусусийлаштириш бўйича район ҳокимлиги идораларига берилиши мумкин.

1. 14. Идора уй-жой фондига қарашли алоҳида уй еки квартираларни хусусийлаштирувчи фуқаролар, мазкур Қоидаларнинг 1.13-бандида баён қилинган ҳолларда, белгиланган намунадаги ариза билан тегишли идорага қарашли бўлинмаларга еки район ҳокимликлари мурожаат қиладилар.

1. 15. Идорага қарашли уй-жой фондига мансуб алоҳида уй еки квартиралар қийматини баҳолаш шаҳар Ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчилик комитети томонидан тасдиқланган ягона методика бўйича қилиниладиган ҳолда амалга оширилади.

1. 16. Идорага қарашли уй-жой фондига мансуб алоҳида уй еки квартирани хусусийлаштирувчи фуқароларга шаҳар Ҳокими томонидан тасдиқланган, белгиланган ягона форма бўйича мулк эгаси ҳуқуқини берувчи ордер берилади.

2. УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2. 1. Тошкент шаҳри фуқароларига 1992 йилнинг охиригача, улар эгаллаб келган уй-жой биноларини хусусийлаштириш еки ижарага олишни эркин равишда танлаш ҳуқуқи берилади. Бу тўғрисида қарорни ариза шаклида ушбу Қоидалар билан белгиланган тартибда бериш зарур.

2. 2. 1992 йилгача қурилган уй-жойларни хусусийлаштиришда фуқаролар томонидан унинг қийматини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

— биринчи (улуш) бадали уй-жой қийматининг 40 фоизи миқдорида тўланади, қолган сумма шундан

кейинги беш йил мобайнида қопланади;

— дастлабки (улуш) бадалини ярим йил мобайнида тенг бўлақлар миқдорида тўлаш ҳуқуқи берилади;

— уй-жой қийматининг 100 фоизи бир йўла тўланган тақдирда фуқароларга уй-жойнинг умумий қийматини 10 фоиз камайтириш имтиёзи берилади;

— уй-жой қийматининг бир йўла ярми тўланган тақдирда уй-жой умумий қийматининг 5 фоизи камайтирилади.

2. 3. 1992 йилдан бошлаб қурилган квартиралар (уйлар, кotteжлар) қийматининг 20 фоизи бир йўла (улуш) бадал сифатида тўланади. Жами қиймат 10 йил ичида тўланиши керак. Уй-жой қийматининг бир йўла 100 фоизи тўланган тақдирда уй-жой қиймати 10 фоиз, уй-жой қиймати 2,5 йил мобайнида тўланганда у 5 фоиз камайтирилади.

2. 4. Кейинчалик тўлаш шарти билан хусусийлаштирилаётган уй-жой учун қўшимча пул тўлаш бўйича қаралар ҳеч бир баҳс-сиз тартибда ундириб олинади, пулни тўлашдан бош тортилган тақдирда, уй-жой коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш бўйича Бош бошқарманинг тақдимида кўра, район ҳокимининг маъмурий қарори билан ижаравий ёллаш шартларига ўтказилади.

2. 5. Янги қурилган, қайта тикланган, капитал таъмирланган ва уй-жой фондида бўшаб қолган уйларни фуқароларга хусусий мулк қилиб бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари асосида фуқаролар алоҳида гуруҳи учун бепул имтиёз асосида;

— уни турар жойларда ва иш жойларида уй-жой олиш учун навбатда турган фуқароларга ҳокимликлар, корхоналар томонидан берилиши еки ана шу уй-жойларни ушбу фуқароларга сотиш еки ижарага бериш йўли билан;

— янги қурилган уй-жой фондида 20 фоизгача ҳамда қайта қурилган ва капитал таъмирланган уй-жой фондида 10 фоизгача атрофида ажратиладиган квартира ва алоҳида уйларни уй-жой кимосиди савдоси орқали шаҳар ҳокимлиги томонидан хусусий мулк қилиб сотиш йўли билан. Бу ҳолда уй-жой биноларини (хоналарни) хусусий мулк қилиб сотиб олиш устивор ҳуқуқи биринчи навбатда Тошкент шаҳри аҳолисига, сўнг Ўзбекистон Республикасида камда 5 йил доимий пропискада бўлган аҳолига берилади.

2. 6. Уй-жойларни кимосиди савдоси орқали харид қилиш ҳуқуқи, сотиб олинган уй-жойни ўз ҳодимларига бериш ҳамда бундай уй-жой фондида хизмат (идора, офислар ва ҳоказо) ва ишлаб чиқариш (цехлар, устакхоналар ва ҳоказо) бинолари сифатида фойдаланиш ҳуқуқисиз вазирликларга, идораларга, концернларга, уюшмаларга, корхоналарга ва жамоат ташкилотларига ҳам берилади.

2. 7. Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамасининг коммунал мулк ва хусусийлаштириш Бош бошқармаси уй-жой биноси сифатида беришга яроқсиз бўлган ҳамда бузиш ва янгидан қуриш учун кўплаб моддий-молиявий харажатлар талаб қилиниши сабабли тиклаш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган нураган авария ҳолатидаги уй-жой фондиди кимосиди савдоси орқали сотиш ҳуқуқига эгадир.

Ушбу уй-жой фонди уй-жой кимосиди савдоларини ташкил этиш ва

***маҳаллий Кенгашларнинг, идораларнинг, жамоат ташкилотларининг**

****бундан кейин идорага қарашли уй-жой фонди деб аталади.**

ўтказиш Низоми талабларига риоя қилган ҳолда, кимосиди савдосида алоҳида фуқароларга, юридик шахсларга, шу жумладан, хорижий шахсларга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, хизмат (ноншлаб чиқариш) бинолари, идоралар, офислар, ваколатхоналар, эл-чхоналар ва консулхоналар ташкил этиш учун сотилиши мумкин.

2. 8. Уй-жой фондини хусусийлаштириш давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шаҳар аҳолисини уй-жойларни хусусийлаштириш тартиби ва шарти ҳақидаги оператив ва ҳаммабоп ахборотлар билан таъминлашлари ҳамда уй-жойларни фуқароларга уларнинг мурожаатлари бўйича хусусий мулк қилиб бериш ва сотишни тўқсинликсиз амалга ошириш имконини берувчи чоралар кўришга мажбурдирлар.

2. 9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 августдаги 378-қарори билан тасдиқланган Тошкент шаҳридаги давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, х у с у с и й л а ш т и р и л г а н квартираларнинг эгалари бутун уйга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш билан боғлиқ бўлган умумий харажатларда қатнашадилар.

2. 10. Уй-жойларни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар идоралар ва ташкилотлар томонидан Тошкент шаҳар Ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчилик комитети билан келишилган ҳолдаги кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

3. УЙ-ЖОЙ ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИ ВА БУРЧЛАРИ

3. 1. Фуқароларнинг алоҳида уй, квартира ва хонага хусусий мулк эгаси ҳуқуқи уй-жойнинг қиймати (сотиб олиш) тўланган ва ордер олинган вақтдан бошланади.

3. 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига мувофиқ уй-жойларини хусусийлаштирган фуқаролар учун хусусий мулк эгаси ҳуқуқи белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси ҳуқуқини берувчи ордер ҳокимлигининг маҳаллий идорасида рўйхатдан ўтказилган ва олинган вақтдан бошланади.

3. 3. Уй-жойни хусусийлаштирган фуқаролар учун прописка қилиш, алмаштириш вақтида ва бошқа ҳолларда бир киши ҳисобига уй-жой майдони нормативларидаги чеклашлар олиб ташланади.

3. 4. Уй-жойга хусусий мулк эгаллиги ҳуқуқи қуйидаги фуқароларга берилади:

— уй-жой биноларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари асосида хусусийлаштирилганларга;

— уй-жойни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Ўзсавпрофнинг 1989 йил 21 июндаги 203-қарорига мувофиқ хусусийлаштирилганларга;

— уй-жойни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 августдаги 378-қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ хусусийлаштирилганларга.

3. 5. Квартирани (уй, кotteж)ни хусусийлаштирган мулк эгаси, ушбу уй-жойга эгаллик қилиб, ундан фойдаланиб ва тасаруф этиб, қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— қариндошлик алоқаларидан қатъий назар, ҳеч бир чеклашларсиз, уй-жойни мерос, васият қилиб қолдириш ва совға қилиш;

— ўз уй-жой биносини белгиланган тартибда ижарага

топириш;

— кўчмас мулк, сугурта солиқларини тўлаш, коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича имтиёзларнинг муайян тоифалари учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига ва Тошкент шаҳар Ҳокими Қарорларига мувофиқ белгиланган имтиёзларга эга бўлиш;

— эгаллаб турган уй-жой майдонининг ҳажмидан қатъий назар, бошқа квартира (уй, кotteж) сотиб олиш;

— хусусийлаштирилган квартирани биржаларда, кимосиди савдоларда эркин бозор нархи бўйича алоҳида фуқароларга ва ташкилотларга сотиш;

— уй-жой майдонининг ҳажмидан қатъий назар, квартира (уй, кotteж)га оила аъзоларини ва бошқа шахсларни прописка қилиш;

— прописка бўйича ҳеч бир чеклашларсиз, квартирани, уйни исталган бошқа (давлат, хусусий) квартирага еки уй-жойга, шу жумладан кооператив уй-жойга алмаштириш;

— ширкат ташкил этиш ва ўзининг моддий имкониятларига мувофиқ ва бошқа мулоҳазаларга кўра, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотини ва биргаликда фойдаланиш жойини, шу жумладан, давлат уй-жойлардан фойдаланиш ва таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини, кооперативларни, шахсий ва бошқа ҳужалик юритиш субъектларини мустақил равишда белгилаш; уй-жойга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш юзасидан шартномалар тузиш;

— ширкатлар таркибиде, уй-жойларни ва уй-жой атрофидаги ҳудудларни сақлаш бўйича бажариладиган ишлар сифатини баҳолашда бевосита қатнашиш, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик еки зарур даражада бажармаганлик учун корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга, шунингдек хусусий шахсларга нисбатан белгиланган тартибда жарима чораларини қўллаш учун ҳужжатлар тақдим этиш;

— яшаётган фуқароларни кўчирмасдан таъмирлаб бўлмайдиган хусусий уй-жойни капитал таъмирлаш даврида яшаб туриш учун маҳаллий Кенгашдан, идора еки жамоатчилик ташкилотидан уй-жой майдонини ижарага олиш.

3. 6. Хусусийлаштирилган квартира эгаси қуйидагиларга бурчлидир:

— уй-жой биноларини ва уй-жой атрофидаги ҳудудларни сақлаш Қоидаларига риоя қилиш;

— узайтирилган муддатда хусусийлаштирилган квартира (уй, кotteж) учун белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлаш;

— белгиланган солиқларни ва коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлаш;

— ўзига қарашли уй-жойга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича корхоналар ҳамда хусусий шахслар билан тузилган шартнома мажбуриятларига риоя қилиш.

3. 7. Уй-жойни узайтирилган муддатда хусусийлаштирувчи фуқаролар дастлабки бадални тўлаган вақтдан квартира (уй, кotteж)ни тўлиқ сотиб олгунга қадар уй-жойни алмаштириш, сотиш, мерос, васият қилиб қолдириш ва совға қилиш бўйича ҳужжатларни Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамасининг коммунал мулк ва хусусийлаштириш Бош бошқармасида расмийлаштиришга бурчлидир.

3. 8. Фуқаролар ўзлари эгаллаб турган уй-жой майдонини бирон бир сабабга кўра хусусийлаштириш бўйича қарор қабул қилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13

(«Тошкент оқшоми» газетасидан олинди).

Жаҳон адабиёти хазинасидан

(Давоми. Боши газетанинг 64-91 сонларида chop этилган).

— Хитойликлар доим сиз эшитишни истаб турган нарсани айтишди, — деди Энрайт менга диққат билан қараркан. — Уларнинг аёллари эса жаҳондаги энг ўткир уйдирмачилар бўлишди.

— Ростдан-а? — мен яна ойнага қараб қўйдим. — Дарвоқе...

— Юринг айвонга чиқамиз, — таклиф қилди Стелла ўрнидан турар экан. — Коньяк хоҳлайсизми?

Мен рад қилдим ва биз шошилмасдан ташқарига чиқдик. Кўкдаги ой денгизни еритиб турарди.

— Зудлик билан кўнгирик қилишим керак, — бирдан эслаб қолди Энрайт. — Маъзур тутасиз. Кейин катерда сайр қилишимиз мумкин. Эътирозингиз йўқми?

Стеллага қарадим. — Жон дердим, агар сиз йўқ демасангиз.

— Маъкул, — деди у итоаткорона. — Гарри катерисиз қўлсиз қолган одамдай гап.

Энрайт чиқиб кетди. Қиз кўлтигимдан олиб, устулар енига бошлади. Денгизга маҳлиё бўлиб туриб қолдик.

— Маълум даражада у қизнинг омади келиб қолди, — хаёлчан деди у. — Германиянинг отаси уни таъминласа керак деб ўйлайман. Эшитишимча, у жуда бой киши экан.

— У эридан ажраб қолди, — дедим ҳамон Жо-Эннинг ўлими ҳақида унга айтишга журъат қилолмай.

Стелла бетоқатлик билан гапимни бўлди:

— У Германиядан қутилди. Энди эркин, пули бор. Америкада яшайпти. — Стелла хўрсиниб қўйди. — Нью-Йоркка қайтишни шундай орзу қиламанки!

— Сиз ўша ерликмисиз?

— Ҳм... У ерда бўлмаганимга бир йилдан ошди. Жуда соғиндим.

— Кета олмайсизми? Бу ерда қолишга мажбурмисиз?

У ниманидир тушунтира бошлади-ю, лекин шу заҳоти тилини тишлаб қолди. Анча жим тургач, гапида давом этди:

— Мажбур эмасман, албатта, аммо акам билан шунчалик узок вақтдан бери ишлайманки, бу одат тусига кириб қолган. Чиройлига? — деди ой ёруғлигида кўриниб турган тоққа ишора қилиб.

Сухбат мавзунини бекорга ўзгартирмаганини тушундим.

Қизик, бу унга нима учун керак бўлиб қолди экан? Тушунмасам ҳам жавоб қилдим.

Айвонда Энрайт пайдо бўлганида биз теварак-атрофдаги манзара ҳақида завқланиб гаплашаётган эдик.

— Хўш, кетдикми? Баликчилар қишлоғи Абердинни кўришни истайсизми? Узок ҳам эмас. Аммо томоша қилса арзигулик.

— Хўп, кўра қолайлик, — унинг таклифини қувватладим мен. Пастга тушдик. Энрайт рулга, Стелла билан мен орқа ўриндиққа ўтирдик. Катер кулоқни қоматга келтириб ўқирганича денгиз қаърига шўнғиди.

Қудратли мотор овози гапиришга имкон бермасди. Стелла нарироқ сурилганича ой нурида мавжланиб турган денгизни томоша қиларди. Унинг юзи қандайдир мудҳиш фикр тинч қўймаётгандай хорғин эди.

Эшитганларимни тахлил қилар эканман, мен ҳам ўз хаёлларим билан банд эдим. Лейла мени алдаганига ҳамон ишонмасдим. Энрайтларни кимдир чалгитган эки "Самовий салтанат" меҳмонхонасидаги хизматкор сингари улар ҳам елгон гапиришаётган эдилар. Лекин нима учун?

Абердин қишлоқчаси ўзим кўрган ҳамма жойлардан ҳам гаройиб бўлиб чиқди. Бандаргоҳ бир-бирига боғлаб қўйилган жонкаларга лик тўла. Уларда қариндош-уруғлари ва болалари билан хитойлик одамлар уймаланиб юришибди.

Бандаргоҳга киришнинг иложи бўлмагани учун Энрайт лангар ташлаб тўхтатди ва биз ўн уч ешлар чамасида бўлган қизалоқ бошқараётган солчада қирокка етиб олдик. Сохилда жойлашган ранг-баранг қишлоқда бир соатча айланиб юрганимиздан сўнг Стелла чарчаганини айтди. Катерга қайтдик.

— Оролларда бўлганингиз йўқми? Кўришингиз керак. У ерда

солда борса бўлади, — таклиф қилди Стелла.

— Ҳали борганимча йўқ.

— Эртага Сильвер-Майн-Бэйга бормоқчиман. Агар бошқа ишингиз бўлмаса, бирга боришимиз мумкин. Бир одамни кўришим керак. Сиз унга шаршарани томоша қиласиз. Кўрса арзигулик. Сўнг бирга қайтамиз.

— Синглим жуда меҳрибон қиз, — гапга аралашди Энрайт. — Бу ерга биринчи бор келганимизда, бир аёл хизматкоримиз бўларди. Жуда ҳам кексайиб қолгани учун ундан воз кечишга мажбур бўлдик. Сильвер-Майн-Бэйда яшайди. Стелла ўқтин-ўқтин ундан хабар олиб туради. Гамхўрлик қилади.



ГОНКОНГДАН ЖўНАТИЛГАН

ТОБУТ

У двигателни ўт олдирган эди, гаплашиб бўлмай қолди. Йигирма дақиқалардан сўнг виллага етиб келдик.

Стелла катердан тушаётганда, Энрайт мени меҳмонхонагача элтиб қўйишни таклиф қилади.

— Хайрли тун, — жилмайди Стелла. — Сол соат иккида жўнайди. Сизни ўша ерда кутаман.

Хайрлашдик. Катер меҳмонхона томон олиб кетди.

— Қачон кетаман дедингиз? — сўради Энрайт катердан тушаётганимда.

— Бир ҳафтадан кейин... Аниғи, билмайман.

— Ундай бўлса бизникига яна ташриф буюришингиз шарт. Менга жуда ёқиб қолдингиз.

Хайр-хўшлашдик, катер тун қоронғилигида гойиб бўлди.

Соҳил бўйлаб аста юрар эканман, шарпаси кўринган микти хитойлик киши хаёлимдан чикмас эди. Бир нарсага йўлиқшимга ишончим ортиб борарди.

Эртасига эрталаб Америка элчихонасининг учинчи котибига учрашдим. Унинг ҳузурига кириш осон бўлмади. Қари Жефферсоннинг номини айтганимдан кейингина, истар-истамас унинг хонасига қўйишди.

Қандайдир қушчага ўхшаб кетадиган хўппа семиз амалдордан дипломатларга хос дахлсизлик кибер-хавоси уфуриб турарди. Ташриф қозонимга худди даволаб бўлмайдиган касаллик уясидай қараб қўйди.

— Нельсон Рейн... хусусий изкувар, — деб тўнгиллади-да, курсисига ястаниб ўтирар экан, жиркангандай қошларини чимирди. — Сизга қандай ердаим тегиши мумкин?

— Мен Ж. Вильбур Жефферсоннинг топшириғига кўра ишляпман. Ўн етти кунча аввал автомобил халокатида нобуд бўлган ўгли ҳақида маълумот тўплапман.

У сигаретини дўрдоқ лабларига тикди.

— Хўш?

— У Гонконгга яшаган, шунинг учун сизда рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

— Тўғри.

— Менга унинг охири

манзилгоҳини айта олмайсизми?

— Айта олишим мумкин дейлик, лекин бу шунчалик зарурми? Унинг иши ўлганлар рўйхатига киртилган. Архивдан топиш учун вақт керак.

— Мистер Жефферсонга шундай деб айтавер, демокчимисиз? Америка элчихонасининг учинчи котиби унга ердам бериш учун қўлини совуқ сувга ҳам урмаганини эшитиб, хурсанд бўлганидан қарсак чалади, деб ўйлаясизми?

Амалдор тўсатдан шалпайиб қолди. Қари Жефферсон бошига не кулфатлар солишини ўйлаб қолгандир балки. Шошганича телефон дастасини кўтариб гапира

виллани биламан. Уни ижарага олишга Жефферсоннинг қурби етмасди, инглиз ақасида ҳар ойига кам деганда тўрт юз фунт туради.

— Ҳозир у ерда Гарри Энрайт синглиси билан яшайди.

— Тўғри, — деди Вилкокс жонланиб. — Уларгача қандайдир инглиз турарди. Исми шарифи эсимдан чиқибди. Ғалати йигит... Энрайтни айтяпман, синглиси бўлсачи! — Унинг кўзлари эҳтиросдан чақнаб кетди. — Гонконгдаги энг гўзал аёл.

— Энрайт ижарага олгунга қадар вилла бўш бўлган, шундайми?

— Йўқ, У ерда қандайдир инглиз яшаган. Мен у билан учрашмаганман.

— Жефферсон билан ўша хитойлик аёл ҳақиқатан ҳам эрхотин бўлишганми?

У менга бақадай тикилиб қолди.

— Албатта-да. Улар шу ерда рўйхатдан ўтишган. Истасангиз ниқоҳ қозонингиз нўсхасини кўрсатишимиз мумкин.

— Кўз ташлашга эътироз қилмаган бўлардим.

У қаёққадир кўнгирик қилди.

— Уни яхши эслайман, ажойиб дўндикча эди. Менга унинг хужжатларини тўғрилашни ва тобутни жўнатишни топширишганди... Оғир вазифа, — кўзида сохта гамгинлик зоҳир бўлди. — Унга жуда ачинаман.

Мисс Девенпорт-котиба қиз югуриб кириб, гувоҳномани ташлаб кетди. Гувоҳнома Жефферсон бир йил муқаддам Жо Энга уйланганини тасдиқлар эди. Маросимда Фрэнк Беллинг билан На Хай Тон гувоҳ сифатида қатнашишган экан.

— Фрэнк Беллинг ким ўзи?

— Билмайман, — деди Вилкокс бошини чайқаб. — Жефферсоннинг оғайнис бўлса керак. Инглизга ўхшайди. Бизнинг рўйхатимизда йўқ.

— Қизчи?

— У ҳақда ҳам ҳеч нарса билмайман. Миссис Жефферсоннинг дугонасидир, — дер экан столидаги соатига қараб қўйди.

Бошқа ҳеч нарсага эриша олмаслигини тушуниб, ўрнимдан турдим.

— Майли, раҳмат. Вақтингизни олмай.

Вилкокс ҳам мен билан учрашганидан мамнун эканлигини айтди. Лекин кўзлари мени умуман кўрмаганида бундан ҳам хурсанд бўлишларини маълум қилиб турарди.

— Сиз Герман Жефферсонни ҳеч кўрганмисиз ўзи? — сўрадим эшикни очатиб.

— Ғалати туюлиши мумкин, аммо кўрмаганман. У кўпроқ хитойликлар билан алоқа қилар эди. Менинг даврамда кўринмасди.

Машинада нимага билишга эришганлигини яна бир марта ўйлаб кўрдим. Кўп эмасу, аммо пичоқча илинадиган нарса ҳам бор. На Хай Тон ва, албатта, Фрэнк Беллинг билан гаплашиб кўрсам емон бўлмасди.

Полиция бошқармасида бир оз қийинчиликдан сўнг бош инспектор Маккартининг хонасига киришга муваффақ бўлдим.

— Бугун нима фойдам тегиши мумкин? — сўради у трубкасига тамаки тўлдирар экан.

— Бир одамни кидириб юрибман. Исми Фрэнк Беллинг. Шу ишда ердам бера олмайсизми?

Маккарти трубкасини екиб, мен томонга тутун бурқситди. Покерда (қарта ўйинининг бир тури) бечоранинг омади келмаса керак. Гарчи юзи хотиржам бўлса ҳам кўзлари кўркувдан олазарак бўлиб қолди.

— Фрэнк Беллинг? — сўради у. — Сизга у нимага керак бўлиб қолди?

— Ўзим ҳам билмайман. У Герман Жефферсоннинг тўйида гувоҳ бўлган экан. Уни биласизми? Маккарти додирганича оркамдаги деворга қараб қолди, сўнгра бошини силқитди.

— Ҳа... биз уни биламиз. У Жефферсоннинг тўйида гувоҳ бўлган дейсизми? Қизик? Ҳозир қаерда экан?

— Мен ҳам сиздан шуни сўровдим... эсингиздами?

— Мен ҳам сиздан шу тўғрида сўрайман, — у олдинга энгашиб столда турган оппоқ босма қозғаларни силаб қўйди.

— Сиз ўзимиз тезроқ изига тушишни истаётган одам ҳақида

сўрайсиз. У гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шугулланувчи фаол бир гуруҳнинг аъзоси. Биз деярли қўлга туширган эдик, лекин шу заҳоти гойиб бўлди. Ҳозир топишга уриняпмиз. Гаров ўйнашим мумкин, у е Макаога ёки Кантонга қочиб кетган.

— Ўша ердан уни топиш мумкин эмасми?

— Биз Макаодан суриштириб кўрдик, лекин Кантондан бирор кишини топиш учун иложимиз йўқ.

— Фрэнк Беллинг инглизми?

— Ҳа, инглиз. — Маккарти трубкасидаги тамакинни босиб қўйди. — У бизга бир дунё ташвиш ортирган ташкилот аъзоси эканлигини аниқ биламиз. Героин контрабанда йўли билан кўп миқдорда Кантондан келтирилди. Икки ҳафта илгари Беллинг бу оғуни Кантондан келтириш тадбирида иштирок этган. Катта миқдорда мол олиб келинишини кутиб, бир қанча вақт уни кузатиб юрдик, — у яна трубкасини тутатди. — Хабарчиларимиздан бири юк мазкур ойнинг биринчи кунда жўнатилганлигини маълум қилди. Шунда Беллинг гойиб бўлди. Пистирма қўйилганидан уни оғоҳ қилишганга ўхшайди, шунинг учун ҳам Макао ёки Кантонга қочиб кетган.

— Шу ойнинг биринчи кун... Жефферсон ўлимидан икки кун олдинми?

— Шундай бўлиб чиқади, — Маккарти диққат билан менга қаради ва юраги дов бермайроқ сўради: — бунинг бирор аҳамияти борми?

— Шунчаки далилларни солиштириб кўряпман. Тўйда бир хитойлик аёл — На Хай Тон гувоҳ бўлган экан. Унинг исми сизга ҳеч нарсани эслатмаяптими?

— Йўқ.

Мен бош инспекторнинг кинояли нигоҳини назар-писанд қилмай сигарет тутатдим.

— Жефферсон гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шугулланган деб ўйлайсизми?

— Бўлиши мумкин, — елкасини қисди Маккарти. — Бизнинг кўзимизга тушмаган. Бундай деб ўйлашга асосимиз ҳам йўқ, лекин у Беллинг билан дўст бўлса, ҳамма нарсани кутиш мумкин.

— Бу қизни топишда менга ердам бера олмайсизми?

— Картотекамизни қараб кўраман. Бирор нарса аниқласам, сизга хабар қиламан, — у менга мулоим қараб қўйди. "Репала-Бэй" меҳмонхонасига кўчиб ўтибсизми?

— Ҳа.

У ҳаваси келгандай бошини чайқаб қўйди.

— Сиз изкуварларнинг ҳаёти ўйин-кулги билан ўтаркан. Ҳаммаси миқознинг ҳисобигами?

Кулиб ўрнимдан турдим.

— Бўлмасачи. Ҳўп майли, кўришгунча, раҳмат. Олдингизга кириб тураман.

Соат ўн бир ярим эди. "Паккард"га ўтириб Вэнчай соҳилга йўл олдим. Мен билан сут ичган бекани учратган барга киргим келиб қолди.

Мижозлар йўқ экан. Ўзаро гаплашиб ўтирган икки югурдак мени таниди. Улардан бири тилла тишларини ялтиратганича олдимга келди.

— Салом, сэр. Сизни кўрганимдан хурсандман. Бирор нарса ичасизми ёки тушлик қиласизми?

— Кока-кола билан рём беринг. Бека шу ердами?

У барнинг тепасидаги соатга қаради.

— Ҳозир келиб қолади, сэр.

Ярим соатлардан кейин бека кириб келди. Чақирган эдим, саломлашиб, енимга ўтирди.

— Сизни кўрганимдан бахтирман, қиз хурсанд қилган бўлса керак деган умиддаман.

— Утган сафар мени алдабсиз. У Жо-Эн эмас экан, сиз буни билардингиз.

Югурдак унинг олдида ярим литр сут қўйиб кетди.

— Адашманг. Бу қиз Жо-Эндан назокатлироқ. Эътироз билдирмасиз деб ўйлагандим.

— Ҳозир менга бошқа қиз керак. Исми На Хай Тон. Уни танийсизми?

— Ҳа. У энг яхши қизларимдан бири, сизга жуда ёқди.

— Лекин бу сафар у хужжатларини кўрсатиши керак. Унда гапим бор.

(Давоми бор).

ЧОРШАНБА

7 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Рақс соҳибаси". Телефильм. 7.55 "Лайлак келди, ёз келди". Бадий фильм. 9.20 "Ёшлик студияси кўрсатади". "Устоз". 10.05 Турк тили. 10.35 Ўзбекистон композиторларининг романслари.

18.00 Янгилар. 18.10 "Яшил орол сари". "Уйку салтанати". Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. "Қўнғирочка". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Наманган сеҳргарлари". Телефильм. 19.40 "Дилномалар". Муслик кўрсатув. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Хукукимизнинг олий дастури". 21.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.00 Х. Султонов. "Мозийдан бир саҳифа". Видефильм. 2-кисм. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 Уолт Дисней таништириди... Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Спринт". 19.40 "Шарқ лирикаси". 20.00 "Бизнинг интервью". 20.20 "Эсдалик учун дастхат". Ретро услубда мусиқа. 21.20 "02" тўлкинида. 21.40 "Кино ва замон". Кинодраматург О. Агишев билан суҳбат.

"ОРБИТА IV"

5.55, 9.20, 11.55, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.25 "Брэйв-ринг". 10.15 "Қизлар орасидаги гап". 10.55 Радонеж ва Бутунроссия роҳиб отаси вале Сергей хотирасига бағишланган тантанали юбилей тадбири. Союзлар уйининг Колонна залидан кўрсатилади. 12.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс. 12.20 "Жамайка". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 13.30 "Рояль билан домино учун этюд". Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 13.50 "Театр". Телевизион бадий фильм. 2-серия.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.20 "Телемист". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 "Уолт Дисней таништириди...". 17.00 "Бизнинг муслик клуб". 17.35 Давлатлараро "Останкино" телеканал таништириди. 17.55 Концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (18.55) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.55 "Назарбобовча мураси мадора". Телефильм премьераси. 20.45 Хайр тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.20 "Марк Захаров мовизмлар". 22.20 "Хар бир киши ўзи ҳақида". 22.30 "Манбалар" туркумидан. Телефильм. 22.50 И. Тальков ҳақида телевизион бадий-публицистик фильм премьераси. 23.45 "Парасолька ва автомобиль". Катталар учун мультфильм. 24.00 Янгилар. 00.20 "Хамма нарс бўлиши мумкин".

ДУБЛЬ IV

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ёшлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Сиёсий арбоблар даврасида. 9.50 Мусиқа устахонаси. 10.50 Россия кобусномаси. "Ёшлигимизда уйнаб қулиб қолайлик". 11.30 "Асил ҳолича...". 12.25 Ишдан бўш пайтингизда. "Дикқат, сувратга олампан". 12.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 12.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 Россия Конституцион суди залидан. 15.00 "Хусусийлаштириш, нуктаи назарлар". 15.30 Трансросэфир. "Николай Кузнецовга суҳбат". 16.15 Христианлар учун кўрсатув. 16.45 Вариацияли мавзу. "Россия оҳанглари". 17.15 Янгилар. 17.30 Мульт-пульт. 17.40 Спорт кўрсатуви. 17.45 "Хар бир кун байрам". 17.55 Ёшлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 "Мемнун миллиардер". 18.30 Хабарлар. 18.45 Болалар даврасида. 18.50 "Кора денгиз". Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.50 "Сезам" кўчаси. 20.20 Концерт. 20.40 Истамбул. "Чарши" бозори. 21.10 Видефильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.20 МХЛ кубоги. МАСК — "Спартак" (Москва). МАСК спорт саройидан олиб кўрсатилади. (давоми). 22.55 Россия Конституцион суди залидан. 23.25 Россия Федерацияси Олий Кенгазининг сессиясида. 23.55 "Оркестр". Муслик фильм-балет.

ПАЙШАНБА

8 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Нонни эъзозланг". Кинопрограмма. 8.35 "Қизни топинглар". Бадий



фильм. 10.00 Араб тили. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиети. А. Кодирий прозаси. 11.00 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Оталаримиз жасорати". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлар тарихи.

18.00 Янгилар. 18.10 "Сахий эртак". Мультфильм. 18.25 "Алифбо сабоқлари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Қомусий билимлар соҳиб". Академик Ҳабиб Абдуллаев. 19.40 "Куй — дил малҳами". Муслик кўрсатув. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Салом, фестиваль!". XI Тошкент халқаро кинофестивали. 21.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.20 "Ажойиб халлараст". Бадий фильм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. "Хамма учун байрам". 19.20 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.10 "Бу оқшомда". 21.20 "Пульс". Хабарлар. 21.30 Ёшлар. "Киноингоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.50 "Ха". 11.20 "Ойна жаҳонда фортепиано куйлари". Л. Тимофеева чадади. 12.00 Янгилар. 12.20 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 13.10 "Оби-хаёт". Мультфильм. 13.20 Телефильм. 13.30 Кинолава. Кундузги киноэкспресс 13.35 "Бекат назоратчиси". Телевизион бадий фильм. 14.40 "Икки кишилик сўқмок". Телефильм премьераси (Пермь). 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.20 "Телемист". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 "Уолт Дисней таништириди...". 17.00 "Култур кампирлари". телефильм премьераси (Иркутск). Байкал соҳилларида яшовчи аёллар ҳақида. 17.40 Давлатлараро "Останкино" телеканал таништириди. 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 "...16 ешгача ва ундан катталар". 19.00 "Вагон-03" 3-кўрсатув. 19.30 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20.15 "Максима". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 М. Цветаева таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кўрсатув. 22.05 "Харбий ревью". 22.30 Муслим Магомаев хузурида меҳмонда. 23.15 "Талаб қилинган кино". 24.00 Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Бизнес ва сиёсат. 9.45 Христианлар учун кўрсатув. 10.15 "XX аср кадрда ва кадр ортида". А. А. Ханжонков. 1-кисм. 11.15 Вариацияли мавзу. "Дўстлар уйи". 11.45 "Тила шпора". 12.15 Ишдан бўш пайтингизда. "ТВ-ателье". 12.30 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 82-серия. 13.20 Мульт-пульт. 13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 Россия Конституцион суди залидан.

15.15 "Бозорга ўрганайлик". 15.45 Россия кобусномаси. Сергей Радонежский 3-кисм. "Куликово жанги". 16.15 Кипрас Мажейка, НАТОдан репортажлар. "НАТОнинг кўз ва қулоғи". 16.45 "Пилгрим". Россия саёхатлар бюроси. 17.30 Янгилар. 17.45 "Хар бир кун байрам". 17.55 Ёшлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 "Ёшлар". 18.30 Хабарлар. 18.45 "Ислоҳ маданият едгорликларида". 19.30 Хабарлар. 19.50 "Сезам" кўчаси. 20.20 "Дагарджик". Муслик кўрсатув. 21.10 "Катта опа". Видефильм. 21.55 Манзарали фильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 Спорт. 23.10 Радиодаги концертлар.

ЖУМА

9 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Бастакор Мухторжон Муртазоев". Фильм-концерт. 8.00 "Петькани

кўрган борми?". Бадий фильм. 9.10 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Нишона". 9.50 "Сени излайман". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Хужайранинг тузилиши. 11.00 "Дўстлик" студияси кўрсатади. "Умид" (уйғур тилида). 11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Хашоратларнинг турли туманлиги.

18.00 Янгилар. 18.10 "Қойилмақом Гоша". Мультфильм. 18.25 "Тулбоғ лавҳалари". Телеочерк. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ўза селекцияси маркази". 19.40 ЎЗТВ хазинасидан. Телевизион миниатюралар театри. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Хукукимизнинг олий дастури". 21.30 Пахта терими кундалиги. 21.45 "Хорманг, бободехқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 "Довжрак қуён ҳақида эртак". Мультфильм. 18.15 "Байкем, Эжем жана биз". 18.30 "Йўлак" ("Киргизтелефильм"). 18.50 Севги муаммолари ҳақида суҳбатлашамиз. Светлана ва Улан Токомбаевлар. 19.30 "Ала-Тоо". 19.50 "Эл дуйносу". Киргиз тили байрами. 20.30 "Сен суйгон обон". Н. Шеркулов. 21.00 "Қурултойдан кейинги ой". Киргизистон Республикаси халқ ёзувчиси, Жаҳон "Киргиз эл" жамғармасининг раиси Т. Қосимбеков. 21.30 "Ала-Тоо". 21.50 "Назар" (эълонлар, билдирувлар).

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Содиқ дўстлар". Мультфильм. 9.30 Радонеж ва Бутунроссия роҳиб отаси вале Сергей хотирасига бағишланган тантанали-ибодат маросими. Троиц Сергей лаврасидан кўрсатилади. Танаффус пайтида (12.00) — Янгилар. Кундузги киноэкспресс. 13.30 "Ўзинг билан олиб кет". Телевизион бадий фильм. 14.45 "Энг билимдон қуён". Мультфильм. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 "Уолт Дисней таништириди...". 17.00 "Марказ". 17.45 "Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Плюх ва Плих". Мультфильм. 18.35 Давлатлараро "Останкино" телеканал таништириди. 19.05 "Инсон ва қонун". 19.35 Миннатор. 19.50 "Мўъжизалар майдони". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Детективлар клуби"да. Ойна жаҳонда биринчи марта. "Елгиз эркак учун қопқон". Бадий фильм. (Кўнгилочар фильмлар уюшмаси). 22.55 А. Майкапара чадади (клавесин). "Вид" таништириди. 23.10 "Сиёсий бюро". 23.40 "Музобоз". 01.00 "Авто-шоу". 01.15 "Хит-конвейер". Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ёшлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Ватаним менинг". 9.50 Кипрас Мажейка. "НАТОдан репортажлар". 10.20 Марин театрда мавсумнинг очилиши. 11.20 "XX аср кадрда ва кадр ортида". А. А. Ханжонков. 2-кисм. 12.20 "Ретро-шлягер". 12.45 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 83-серия. 13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 Россия Конституцион суди залидан.

15.35 Телебиржа. 16.05 "М-трест". 16.20 Янгилар. 16.35 Жума кунлари Уолт Дисней. "Спунер". Бадий фильм. 2-серия. 17.30 "Чашмалар".

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 "Осиё тароналари". 18.30 Хабарлар. 18.45 Халқ рақслари. 19.00 "Ўрта Осиё". Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 "Сезам" кўчаси. 20.15 "Хонанда". 21.45 Видефильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 "Қурулланган ва ўта хавфли". Бадий фильм.

ШАНБА

10 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 "Уч бақалок". Бадий фильм. 9.25 "Мушоҳада". 10.05 Улмас Умарбеков. "Ўз аризасига кўра". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 11.45 Ойна жаҳонда биринчи марта. "Самсон ва Салли". Мультфильм. 12.45 "Андижон лавҳалари". 13.20 Султонпошша Удаева куйлайди. 14.00 Футбол майдонларида. 14.40 "Ишбилармонлар хузурида".

18.00 "Бўрсиқ учун уй". Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. "Тенгдошлар". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Шахрисабз". Телефильм. 19.35 "Ижод саҳифалари". Тўлан Низом. 20.30 "Туркистон ахбороти. 21.00 XI Тошкент халқаро кинофестивали. "Фестиваль учрашувлари". 22.10 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Ойдин кечалар". 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

"ОРБИТА IV"

6.40, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгилар. 8.30 "Спорт — имконият". 9.00 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 9.25 "Бумеранг". 10.00 "Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан". И. Г. Кашинцев. 10.20 "Тиббиёт сиз учун". 11.00 "Авиакосмик салон". 11.15 "Валентина Машкова билан учрашув". 11.40 "Экологик хроника". 11.55 "Кинохамдўстлик". "Бугунги Белорусь киноси". Ойна жаҳонда биринчи марта. "Олий насаб", Бадий фильм (Белорусь — Польша). Мультфильм премьераси. 13.55 "Колима. Юзма-юз". Телефильм премьераси. 2-фильм (Санкт-Петербург). 15.00 Янгилар. 15.20 А. П. Чехов номли I халқаро театр фестивалига. "Астра" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси таништириди: "Бир спектакл репетицияси еки Владимир Пахомов таҳмини". 16.30 Хайвонот оламида. 17.10 "Қизил квадрат". 17.50 "Ёнотлар". Кўп серияли мультфильм. 18.15 "Бахтли тасодиф". 19.15 Ойна жаҳонда биринчи марта. "Телпак". Бадий фильм ("Мосфильм"). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 Михаил Жванецкий. "Танҳо ўзи". 22.25 "София Ротару учун гуллар". Концерт программаси. 23.45 "Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан А. Панкратов-Черный. 24.00 Янгилар. 00.40 Охириг сеанс. Ойна жаҳонда биринчи марта. "Фариштаннинг қалби". Бадий фильм (АҚШ).

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Хужжатли панорама. "Бир шаҳар тарихи". 9.20 Мульт-пульт. 9.30 "03" кўрсатуви.

10.00 — 11.15

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ

"ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ

"Яна бир бор меҳр-шафқат ҳақида". "Бизнен мирас" (татар тилида). 11.15 Кундузги сеанс. "Баҳоларсиз ўтган тонг". Бадий фильм. 12.20 "Қалб сайли". Ёзувчи Георгий Семенов.

12.50 — 15.00

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ

"ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ

"Ҳамкорлик". "Чисен" (корейс тилида). "Манбалар" "Поляклар меҳмонхонаси".

15.00 "Лого" телеуйини. 15.30 "Бурда моден" таклиф этиди...
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 "Инсоният бойлиги". Видефильм. 16.35 "Хонанда" 17.25 "Шифокорлар". Видефильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Хабарлар. 18.20 "Дорозмон". Мультфильм премьераси. 5-серия. 18.35 "XX аср комиклари". Чарли Чаплин. Кўрсатувни Э. Рязанов олиб боради. 1-кисм. 19.30 "Шчеликов ҳақида меҳр-муҳаббат ва ташвиш билан". 19.50 Чегарасиз футбол. 20.45 "Ситнал". 21.00 "XX аср комиклари". Чарли Чаплин 2-кисм. 21.55 Ёшлар. 22.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 Қувноқ шамол. 23.20 Экрада Туркия киноси. 00.50 Туркия манзаралари.

ЯҚШАНБА

11 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Она-заминни асранг". Кинопрограмма. 8.00 "Туркистон"

ахбороти. 8.30 "Йўлбарсга муҳтожмиз". Бадий фильм. 9.40 Таэквондо. Жаҳон чемпионати. 2-кўрсатув. 10.25 "Аёл қалби наволари". Муслик кўрсатув. 11.15 "Чорраха". 11.50 "Нақшингиз хумориман". 12.20 Сарвар Азимов. "Қўзлари қўллон". Теленовелла. 13.05 "Халқ ижодиети". 13.50 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Истеъдодларни излаймиз".

18.00 "Баҳодирлар бўтқаси". "Ли-зиков кўчасидаги мушукча". Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. "Санъат гунчалари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Аралаш". Хажвий киножурнал. 19.40 "Мерос". Нодира таваллудининг 200 йиллигига. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Пахта терими кундалиги. 21.15 "Хорманг, бободехқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.00 "Сирли шарча". Кинокомедия. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05 — 12.00 Киргизистон телевиденисининг болалар студияси кўрсатади. Програмада: "Мезгилбектин мезгили", "Айч конул балдарбиз", "Дидар-шоу". "Лялька — Руслан ва унинг дўсти Санька. Бадий фильм. Мультфильмлар.

18.05 "Оддий, хавфли саргузашт". Мультфильм. 18.15 "Бобок, сенин жомогун". 19.10 "Даги бир ирет жер жонундо". Ер жамғармасидан самарасиз фойдаланиш ҳақида. 19.30 "Ала-Тоо". 19.50 Бугундуне киргизларининг биринчи курултой тантанали концерти. @1 = 20.50 "Адабиётчи С. Раев". 21.20 "Аёл". Телепостановка.

"ОРБИТА IV"

6.20, 7.50, 14.55, 18.40 — Кўрсатувлар тартиби. 6.25 "Рухни чиниктириш". 7.25 Жаҳон халқлари ижоди. 7.55 Янгилар. 8.30 "Спортлото" тиражи. 8.45 Чўчабоқар. Мультфильм. 9.05 Эрта саҳарлаб. 9.35 Сиз бунга қодирсиз. 10.15 Тонг қолдузи. 11.05 Соло. 11.35 Марафон-15. 12.20 Қора кўркам от саргузаштлари. Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 13-серия. 12.45 Кўп серияли илмий оммабоп фильм. 13.35 Саёхатчилар клуби. 14.15 Панорама. Хафалик халқаро кўрсатув. 15.00 Янгилар. 15.15 Бир сўзни деб... 15.45 Хоккей. Лига кубоги. МАСК — "Динамо" (Москва). 2 ва 3-давлар. МАСК спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — "Эски сандиқча". Мультфильм. 17.30 "Баджаҳл Бамбир". Мультфильм. 17.40 "Хар бир киши ўзи ҳақида". 17.50 "Уолт Дисней таништириди...". 18.45 Янгилар. 19.00 Рухн премьераси. "Қойилмақом еттовлон". 20.00 Яқшабба кинокўрсатувлари: Кино янгиларлари. Ойна жаҳонда биринчи марта. "Паспорт" бадий фильм. (Россия, Франция, Австрия, Исроил биргаликдаги махсулоти). 22.00 "Якунлар". 22.45 "Телелотия". 23.00 "Осиё овози". Куй ва қўшиқлар III халқаро танлови. Олмаотадан кўрсатилади. Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 "Ибодатхона томон йўл". 8.50 Япон куйларидан концерт. 9.20 "Эскулант" программаси "Қизчалар ва болакайлар, сизлар учун" фильмини таништириди (Голландия). 9.30 "Киролликдаги саргузашт". Кўгирчоқ мультфильм. 7-серия. 10.00 "Сиз яратган бог". 10.30 Ўз ишининг усталари. "Актрисанинг ўфтихори". Т. Еремеева. 11.00 "Атибати...". 11.30 "Ҳоҳ ишонинг...". 12.00 Кундузги сеанс. "Ёвуз". Бадий фильм.



Айни пайтдаги жиноятчилик оламию унга қарши кураш, оёйишталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқимоқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, таъкилот, муассасангиз имкони-ятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ,

„Постда“
„На посту“

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда
Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.
Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси
— 312 сўм.

Индекслари — 64615 ва 64616.



Ярим тунда эшигим кўнгириги жиринглаб қолди. Очдим. Кўринишидан жуда ҳам ташвишланаётганлиги шундоққина сезилиб турган яқин бир танишим экан. Қўлида энди-гина йўлга юрган ўли ўткиржон. Танишим ўрнининг қаттиқ бетоблигини, шифохонага олиб бориш кераклигини тушунтирди. Шоша-пиша йўлга тушдик. Ўткиржон ҳеч нарсани сезмас, ота-онаси жон ҳовучлаб боришарди. Йўл ҳам мисоли чўзмадек чўзилиб кетди.

Ниҳоят, шифохона эшигининг шундоқ рўпарасида машинани тўхтатдим. Шукри, мен билган-таниган шифокор — Ўктам ака тунги навбатчиликда турган эканлар. Ёрдмчилари билан бирга чоп-чоп қилишиб, болани ичкарига олиб кириб кетишди. Биз ташқарида қолдик.

Боланинг аҳволи қанчалик ташвишланарли бўлмасин, кўнглим анча хотиржам эди. Бола бировники эканлигидан эмас, аксинча бир болага етти маҳалла ота-она деган ақидага мен ҳам амал қиламан. Хотиржамлигимнинг боиси — маҳалла докторнинг бугун навбатчиликда эканлиги.

Ўктам ака Аҳмедов Жиззах шаҳар болалар шифохонасининг энг тажрибали, энг болажон шифокори. Қулоқ, бурун, томоқ касалликлари бўйича ажойиб мутахассис. Болакайларнинг ўйинқароқлиги, қизиқувчанлиги оқибатида ютиб юборишган ёки томоқларида қолган катта-кичик буюмларининг 200 дан ортигини йиғиб, махсус бир кўргазма ҳам қилган. Демакки, шунча ота-оналарнинг ташвишини аритган.

Шуларни ўйлаб туриб, Ўткиржоннинг отасига ортиқча безовта бўлмасликларини, фарзандлари, тажрибали шифокор қўлида эканлигини

ётиги билан тушунтира бошладим. Аммо ичкарига кириб кетган онаизор у ёқдан юм-юм йиғлаб чиқиб келди.

— Дўхтирларга пул берсам, олишмади. Улар ҳам болагинамининг тузалиб кетишига ишонишмаяпти! Энди нима қиламиз? — дея кўз ёшларини село қила бошлади.

Барча тушунтиришларимиз, таскинларимиз ўринсиз бўлди. У яна шифокорлар хонасига кириб кетди. Бир оз фурсат ўтгач, чиқди ва... пулни олганликларини айтди.

Орадан ўн кунча вақт ўтди. Танишим яна келди. Бу сафар йигитчини касалхонадан олиб чиқиш керак экан. Йўлга тушдик. Бора-боргунча танишим Ўктам ака ҳақида дилидаги илиқ гапларнинг борини тўкиб солди.

Ҳамширалар Ўткиржонни олиб чиқишгандаридан кейинги хурсандчиликни тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Ота миннатдор, она шод, ҳаммада дили равшанлик. Ҳамширалар отага фарзандининг касаллик варақасини ҳам беришди. Шунда варақанинг бир чеккасида қистириб қўйилган пулларга кўзим тушди. Ота бир оз талмовсирагандек, она қижолатда қолгандек бўлди. Ҳамшира қиз ширингина жилмайд.

— Ўша кунни холамиз жон-қолимизга қўймай, бериб кетган эдилар. Гўё пулни олмасак, бола ҳечам тузалмайдигандек. Мана, фарзандингиз соғ-омон. Пулни эса Ўткиржон учун сарф қилинлар. Бундан кейин сира ҳам касал бўлмасин!

Қайтишда жимгина кетдик. Фақат Ўткиржонгина қўлидаги пулларни ўйнаб борар, ўзича нималарнидир чуғурларди...

Холиқул ҚАЙНАРОВ,
милиция старшинаси.

Қидирилмоқда




Тошкент шаҳар Акмал Икромов райони ички ишлар бўлими томонидан 1985 йилда шу районда туғилган, Раҳимбобоев кўчасидаги 46-ўй, 11-хонадонда яшайдиган Шердор Облокулович Шакаров қидирилмоқда.

У 1992 йилнинг 1 сентябрь куни эрталаб соат 10 дан 30 дақиқа ўтганда уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Шердорнинг белгилари: ёши 7 да, бўйи 120 сантиметр, юзи юмалоқ, сочи калта ва сариш, қоши ёйсимон, қиррабурун.

Уст-боши: ўша кунни унинг эғнида сариқ рангли, еңги калта кўйлак, калта иштон (шортик), оёғида шипшак бўлган.

Шердор Шакаров ҳақида бирон бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан бу ҳақда 42-36-15, 42-36-11, 42-36-10, 42-36-05 ёки "02" рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.



Самарқанд шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлини маси томонидан 1954 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган Ҳайдар Камолов қидирилмоқда. У жиноятлар содир этганликда айбланади. Белгилари: юзи ўрта ёшлиларники-дек чўзинчоқ, қоши, сочи қалин, жин-галак, кўзи қора, бурни кенг, лаблари тўла. Бўйи ўртадан сал баландроқ.

Ҳ. Камолов қаердалигини билган-лардан энг яқин милиция бўлимига ёки "02" телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.



Қашқадарё вилояти ИИБ томонидан 1969 йилда Қарши районидидаги К. Маркс номи давлат хўжалигида туғилган Азамат Баратович Юлдашев қидирилмоқда.

Унинг белгилари: бўйи 170-180 см., кўй кўз, юзи узундан келган.

Ушанда у тим кўк рангли жинси шим, эғнига "Монтана" ёки "Адиас" спорт кийими, оёғига оқ рангли кроссовка кийиб олган эди.

А. Б. Юлдашев ҳақида бирор маълумотга эга бўлган, унинг ҳозирги янаш жойини билган фуқаролардан Бешкентта 22-6—06 рақамли телефон номерини териб, Ҳ. Солиқовга ёки яқин милиция идораларига кўнгирок қилишларини сўраймиз. Уни қидириб топилса ёрдмлашган фуқароларни 20.000 сўм пул мукофоти кутяпти.

Мурод ТИЛЛАЕВ
таржимаси.

ҲАЙФСАН

(Ҳажвия)

Дурди БОЙЛИЕВ,
Туркман ёзувчиси

Соат ота пенсияга чиққач, уйда узок ўтиролмади. Яна фабрикага қайтди. Уни хўжалик бўлимига ишга қўйишди. Шу-шу тиним билмай, фабрикани ободонлаштириш билан машғул.

У бугун "Наврўз"олди умумхалқ ҳашари ўтказилишини эшитиб, ишга ҳар кунгидан эрта келди. Фабрика ҳовлисини супуриб-сидириб юрганди, бир пайт унга директор йўқлаётганини айтиб қолишди.

"Яна комиссия келаётганга ўхшайди, — дея кўнглидан кечирди Соат ота. — Хойнаҳой, супур-сидирдан сўнг омборхонага беркитиб қўйилган ўриндиқларни фабрика ҳовлисига опчикиб кўйинлар, деб кўрсатма беради".

Директор Соат отани доимгидек мулозамат билан қарши олди.

— Ие, ие, Соат ота. Келинг, ўтиринг. Саломатлигингиз, ишларингиз яхшими? — У Соат отага яқинроқ ўтирди. — Болаларингиз, набираларингиз шаталоқ отиб юришибдими? Кўринишингиз ҳам чакки эмас, худди йигитлардек бардамсиз. Сизни кўрган одам етмишда деб ўйламайди. Меҳнат одамни ешартиради, деганлари шу-да! Мана бу чой билан шириликлардан олиб ўтиринг.

— Раҳмат, раҳмат! — деди Соат ота ўзига кўрсатилаётган иззат-икромдан боши осмонга етиб. Кейин ўзича шунча йиллик меҳнатини кадрлаб, мукофот беришса-я, деб қўйди.

— Соат от, мен сизни нега чақирганимни биласизми? — деб сўради директор.

— Билмадим, болам. Билмадим. Ишқилиб тинч-ликми?

Директор бир нуқтага тикилиб сукут сақлаб тургач, тилга кирди:

— Мени кечирасиз-у, Соат ота, аммо бугун кўнглингизни бироз ранжитишга мажбурман.

— Нега энди? Бирон ишни ноўя қип қўйибманми?

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мум-кин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

■ Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмаҳонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир ўринбосари
Раҳмонали ҚОСИМОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.